

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги  
Захириддин Мухаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети  
тарих ва ижтимоий фанлар факультети**

**ФАЛСАФА КАФЕДРАСИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида**

**МИРЗАЕВ ИСКАНДАР**

**МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ДИН ФУНКЦИЯЛАРИНИНГ  
ТИҚЛАНИШИ**

**5141500 – Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими  
йўналиши бўйича бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**БМИ раҳбари:**

**доц.Ш.ВАЛИЕВ**

**Андижон - 2014**

## МУНДАРИЖА:

**КИРИШ..... 3-12**

### АСОСИЙ ҚИСМ

**I БОБ. ДИН – УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТ СИФАТИДА.....13-24**

**II-БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ВА ЖАМИЯТДА ДИН ФУНКЦИЯЛАРИНИНГ  
ТИКЛАНИШИ..... 25-31**

**III-БОБ. МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИСЛОМ..... 32-43**

**IV-БОБ. ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ  
ТАШКИЛОТЛАР..... 44-48**

**V-БОБ. ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ УНГА ҚАРШИ  
КУРАШИ..... 49-65**

**ХУЛОСА..... 66-68**

**Фойдаланилган адабиётлар..... 69-70**

### Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, XX асрнинг охири диний қадриятларнинг уйғониши, диний маънавиятга қайтиш даври бўлди. 1970–1990-йилларда дунёда юз берган ходисалар

оммавий ахборот воситаларида «ислом уйғониши», «қайта исломлашиш», «ислом феномени» каби шов-шувли хабарларнинг тарқалишига сабаб бўлди. Жаҳон жамоатчилиги бу жараёнларга катта қизиқиш билан қараш билан бирга диний экстремизм ва фундаментализм каби салбий ҳодисаларни катта хавотир билан кузатди.

Осиё минтақасида диний эътиқод билан боғлиқ ҳар қандай муаммо ниҳоятда нозикдир. Чунки бу минтақада диннинг чуқур тарихий илдизлари мавжуд. Муайян кучлар ҳозирги кунда диндан, исломни қайта тиклаш шиоридан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Сўнги ўн йилликлар мобайнида дунёда дин омилининг фаоллашуви советлардан кейинги маконда ҳам ўз аксини топди. Маъмурий-буйруқбозлик тизими ҳукмронлик қилган собиқ шўро тузумида ҳам диний ҳаёт ҳеч қачон тўхтаб қолган эмас. У ўзига хос шаклу шамойил касб этган эди, холос. Бирок, XX аср 80-йилларининг охири – 90-йилларининг бошлари, бир томондан, жамиятда диннинг мавқеи қайта тикланган, иккинчи томондан эса, ана шу асосда можаролар чиқиши учун сабаблар шаклланган давр бўлди. Диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга уриниш баъзан мудҳиш ҳолатларнинг юз беришига олиб келди. Бунда ўтган даврдан мерос қолган диндан хабарсизлик мутаассиб гуруҳларга қўл келди. Ҳозирги кунга келиб минтақада, хусусан, Ўзбекистонда диний-маърифий соҳанинг ривожланиши диний фундаментализм хавфининг олдини олишда муҳим омил бўлиб қолмоқда.

Авлоддан – авлодга буюк кадрият сифатида ўтиб келаётган ислом дини ҳар доим одамларни ўз-ўзини идора этишга, яхши хислатларни кўпайтириб, ёмонларидан халос бўлишига чорлаган, оғир синовларга бардош беришга, ёруғ кунларга интилиб яшашга даъват қилган, бир сўз билан айтганда, халқимиз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам маърифат бўлиб келган. Ҳозирда ҳам бу маърифат одамларга маънавий-руҳий куч-қувват бағишлаб, ўзаро меҳр-оқибатлилик туйғуларининг камол топишига хизмат қилмоқда.

Шундай экан, Ўзбекистон Президенти И.Каримов эътироф этганидек, турли мутаассиб оқим ва ҳаракатларнинг ғаразли мақсад, интилишларидан қатъий назар, диний туйғуга эга бўлган, яхши ишнинг оқибати мукофот бўлишига, ёмонлик эса жазосиз қолмаслигига ишонган кишилардан иборат жамият маънавий-маърифий ҳаёти ва ижтимоий жараёнлар кечишида ислом дини ўзига хос ўринга эга бўлиб қолаверади.

Дин кишиларни ҳамиша яхшилик ва эзгу ишларга чорлаган. Жумладан, ислом дини ҳам юксак инсоний фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилган. У туфайли халқимиз минг йиллар мобайнида бой маънавияти ва мероси, ўзлигини омон сақлаб келди.

Дин ва унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, ижтимоий фикр шаклланишига таъсири масалалари ҳамма вақт долзарб бўлиб келган. Турли даврларда хилма-хил мазмун ва шакл касб этган бундай масалалар доим ҳам ижтимоий фанларнинг диққат марказида туради.

Маълумки, мамлакатимизда ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган миллий ҳамда умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш масалалари доим ҳам долзарб масалалардан бўлиб келган. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “...муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, тухмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда”.

Шундан келиб чиқиб, мавзуни ёритишда кўпроқ Марказий Осиёда, жумладан Ўзбекистон тарихи, маданияти ҳамда ҳозирги кунда ижтимоий-маънавий ҳаётида исломнинг ўрни, Ўзбекистонда дин функцияларининг тикланиши, давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар демократик асосда, қонун доирасида ва виждон эркинлиги тамойилларига амал қилинган ҳолда ҳал этилаётганлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Юқорида қайд этилган фикрларга боғлиқ ҳолда сўнгги вақтларда кескин тус олган ва тарқалиб бораётган диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашда Ўзбекистоннинг қатъий сиёсати, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдаги ўрни масаласига ҳам эътибор қаратилган. Шу билан бирга, ижтимоий барқарорлик ва тараққиётни таъминлашда юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, дин соҳасидаги илмий асосланган сиёсатнинг аҳамияти, фуқароларда мутаассиб ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг долзарб вазифалари ёритиб берилган. Бу соҳада амалга ҳалқаро миқёсда олиб борилаётган ҳаракатларда Ўзбекистоннинг ўзига хос ўрнини халқаро сиёсатчилар ва нуфузли мутахассислар ҳам очиқ эътироф этишмоқда.

XX асрда ислом омилининг кучайиб бориши бу диннинг сиёсийлашиб бориши ва уни Шарқ мамлакатларининг сиёсий ҳаётида тобора катта аҳамият касб этиб бораётганлиги билан характерланади.

Ислом дини жаҳон динлари ичида энг ёшидир. Ислом дини дунёда эътиқод қилувчилар сони жиҳатидан христианликдан кейин иккинчи ўринда туради. Ислом дини жаҳонда географик жиҳатдан жуда кенг тарқалган монотеистик яккахудолик динларидан биридир. Бугунги кунда ислом дунёнинг 172 та мамлақатида тарқалган. Жаҳондаги 6 млрд. аҳолининг 1,5 млрд. га яқин аҳолиси ислом динига эътиқод қилади. Бу эса жаҳон аҳолисининг 20 % дан ортиқроқ қисмини ташкил этади. 22 та араб

мамлакатларида 300-350 миллион мусулмон яшайди. Масалан, Мисрда 60 миллион аҳолисининг 48 миллиони мусулмон. Шундан Коҳира шаҳрида 16 миллион аҳоли яшайди. Африкадаги Ливия, Тунис, Марокаш, Жазоир, Судан, Мавритания, Уганда, Сомали каби мамлакатларда ҳам мусулмонлар яшайди. Яқин Шарқда Ливан, Сурия, Иордания, Ироқ, Фаластинда, Арабистон ярим оролида Саудия, Яман, Умал султонлиги, Форс кўрфазида эса Бирлашган Араб Республикаси, Қатар, Баҳрайн, Қувайт каби давлатларда аҳолининг 98-99 % ини мусулмонлар ташкил қилади.

Туркияда 61 миллион, Эронда 63 миллион, Покистонда 125 миллион, Жанубий – Шарқий Осиё мамлакатлари бўлган Бангладеш 61 млн, Ҳиндистонда 150 млн, энг кўп мусулмонлар Индонезияда 165 миллионни ташкил этади. Бундан ташқари собиқ СССР худудидаги мустақил ҳамдўстлик мамлакатлари Россиянинг Доғистон, Татар, Бошқирд, Чечен, Карачей, Балқар каби миллатлари ва Сибирда ҳамда Марказий Осиё мамлакатларидаги – қозоқ, қирғиз, ўзбек, туркман, Хитойда уйғур, қрим татарлари ҳам исломга эътиқод қиладилар. Дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам мусулмонлар яшаб исломга эътиқод қиладилар. Европа қитъасида Болқон ярим оролидаги Албания, Косово, Босния-Герцоговина каби мамлакатларида ҳам мусулмон халқлари яшайди.

Аҳолисининг кўп қисми мутлақ мусулмонлардан иборат бўлган 39 мамлакат, шунингдек, аҳолисининг ярмини мусулмонлар ташкил қилган мамлакатлар ҳам (Миср, Малайзия) ўзларини мусулмон мамлакатлари деб атайдилар. Мавритания, Эрон, Покистон, Камар ороллари, Афғонистон каби мамлакатларни номига ҳам ислом сўзи кўшиб айтилади. Масалан, Эрон ёки Покистон, Афғонистон ислом республикаси деб юритилади. 28 мамлакатда ислом расмий давлат дини ва мафқураси сифатида тан олинган.

XX асрдан ҳозирги давргача инсониятнинг умумий тарихига хос бўлган икки тенденция: жамиятнинг, миллатлар, мамлакатлар ва давлатларнинг ўзаро алоқадорлиги кучайиб бориши натижасида интеграция жараёнлари юзага келди. Шу билан бирга интеграцияга қарши бўлган кучлар ҳам жонлана бошлади. Умуман олиб қараганда, интеграция табиий жараён бўлиб, инсоният тарихи бундай жараён билан доимо бирга, ёнма-ён борган. Интеграция жараёни объектив тарзда турли жамиятлар ҳаётини, маданияти ва турмуш тарзини бойитади. Жамиятда мавжуд мафқура, ижтимоий қарашлар, ижтимоий фикр, шахс дунёқараши унинг натижасида ўзгаради ва ривожланади. Ўзаро ижтимоий-тарихий алоқалар ўз навбатида маданий-маънавий алоқаларнинг тараққиётини ҳам тақазо этади. Шунга кўра Шарқ жамияти ижтимоий фикрининг бугунги кундаги тараққиёти, хусусиятлари, унга таъсир этувчи жиҳатлар ва

омиллар тизимида диннинг ўзига хос ўрни каби масалаларни ўрганиш барча ижтимоий фанлар ва шулар билан бир қаторда фалсафа фани соҳасида ҳам катта аҳамиятга эга.

Шуни ҳам эътироф этиш зарурки, сўнгги даврларда асрлардан бери табиий йўл билан амалга ошиб бораётган ижтимоий интеграция жараёнлари табиийлик хусусиятларини йўқотиб бормоқда. Бу жараён турли субъектларнинг ўз манфаатларидан келиб чиқиб ушбу табиий жараёнга аралашувлари натижасида тобора сунъийлик касб этиб бормоқда.

Бу ҳолат айниқса, жамиятда диннинг ролини тўғри англаш ва диний кадрлардан тўғри фойдаланиш масаласида яққол кўзга ташланмоқда. Чунки сўнгги вақтларда буюк кадрлар ҳисобланадиган динни турли сиёсий мақсадларда қурол қилиб олиш, ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш каби масалалар кун тартибидаги асосий масал бўлиб қолди.

Бугунги кунда дин ва мафқуранинг ижтимоий-маънавий аҳамияти шундай кучайганки, жамият ҳаётининг барча соҳаларида ушбу ҳолат акс этмоқда. Бундай шароитда диннинг, ғояларнинг ва мафқуранинг тарихи, моҳияти жамият тараққиётидаги ролини ўрганиш катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Бу соҳада сўнгги пайтларда тарихчилар, файласуфлар, сиёсатшунослар ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар соҳаси олимлари томонидан катта илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Маълумки, жамият тарихида ахлоқ, дин, фан, маданият, маънавият, ҳуқуқ, санъат ва ҳ.к. ҳодисалар доим ҳам мавжуд бўлган. Улар муҳитида омилар сифатида ижтимоий ҳаёт ва инсонларнинг фаолиятини тартибга солиб турувчи ижтимоий қоидаларнинг регуляторлик вазифасини ўтаб келган. Жамият тарихида энг аввал ахлоқий қоидалар пайдо бўлган. Дин, турли ғоялар ва мафқуранинг шаклланиши жамият тараққиётида улкан аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, дин ахлоқий онгнинг таркибига кириб бориб ва у билан муносабатда бўлиб, диний-ахлоқий кадрларни шакллантирди. Ижтимоий онгнинг деярли барча шаклларида диний онгнинг элементлари мавжуд. Улар орқали диний онг маънавий кадрлар сифатида намоён бўлади.

Дин, ғоя мафқура каби ҳодисалар энг аввало тарихий ва маънавий кадрлар ҳисобланади. Бошқа маънавий кадрлар қатори улар ҳам субъектлар ва ижтимоий гуруҳларнинг ҳаётида ижтимоий ориентация қилишига ёрдам беради. Диний кадрлар ижтимоий фикрга, кишиларнинг ижтимоий кайфияти ва руҳиятига, ижтимоий муносабатларга таъсири орқали жамиятнинг ва маънавий ҳаётнинг барқарорлигини таъминлашда катта рол ўйнайди. Шахснинг пассив ёки фаоллигини, кундалик ахлоқий қоидаларини белгилайди. Шу сабабли ҳозирги кунда ислом ва

бошқа динларнинг ана шундай жиҳатларидан фойдаланиш мумкин. Масалан, унинг тарбияловчилик функциясид миллий маънавиятни ҳимоя қилишнинг воситаларидан бири сифатида маънавий тараққиётда муҳим аҳамият касб этади: ота-оналар ва фарзандлар, катта билан кичик, авлодлар ўртасидаги, жамиятнинг аёлларга нисбатан муносабатларда бурч ҳиссини шакллантириш, ижтимоий табақаланишнинг олдини олишда, толерантлик, ўзаро ҳурмат, раҳмдиллик, сабр-тоқат, ўзаро ёрдам каби хусусиятларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш ана шулар жумласидандир. Ушбу жиҳатлар орқали жамиятни глобаллашувнинг негатив оқибатларидан ҳимоя қилган ҳолда ижтимоий ҳаётда барқарорлик, бирбутунлик, хотиржамлик руҳини таъминлайди.

Диний кадрятларнинг моҳиятини миллий кадрятларга яқинлигини ҳисобга олган ҳолда, маданият ва маънавиятни миллий кадрятларимизни глобаллашув олиб келадиган оммавий маданиятнинг таъсирларидан, ҳамда маънавиятимизга зид келадиган маданий элементларнинг негатив таъсирларидан ҳимоя этади. Бу ерда диний кадрятлар “фильтр” ёки “цензура” вазифасини ўташи эвазига диний онг ўзини ҳимоя эта олади ва маданий глобаллашувга қарши тура олади.

Глобаллашув жараёнининг субъектлари ўз манфаатлари йўлида кишиларнинг руҳияти, миллий ва диний онги, бағрикенглиги каби хусусиятларидан усталик билан фойдаланадилар. Ижтимоий руҳиятга таъсир этишнинг турли замонавий усулларини ўйлаб топадилар. Шунинг учун зарурки, айрим манфаатдор сиёсий кучлар ислом маънавий кадрятларини ақидалаштириш ва деформация қилишлари, турли усуллар орқали уларни осонгина сиёсий ўйинларнинг воситасига айлантириб олишлари ёки улардан ўз сиёсий мақсадларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш йўлида фойдаланишлари, турли ижтимоий-сиёсий ориентацияларнинг асоси сифатида қўллашлари мумкин.

Таълим, фан ва маданият бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан 2007 йил 14–15 августда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуида бўлиб ўтган халқаро конференцияда ҳам мамлакатимизнинг жамиятда бағрикенглик маданиятини камол топтириш йўлидаги ютуқлари яна бир бор эътироф этилди.

Анжуманда 30 дан ортиқ давлатлардан келган меҳмонлар, жумладан, Ислом конференцияси ташкилоти, Араб давлатлари лигаси, ЮНЕСКО вакиллари, шунингдек, 100 дан зиёд давлат ва жамоат арбоблари, таниқли диний уламолар иштирок этди. Анжуман қатнашчиларининг яқдил фикрича, ўзбек халқи ўз даҳоларининг хизмати билан ислом маданияти ва фани тараққиётига, ислом цивилизациясини ривожлантириш орқали

бутун дунё цивилизацияси равнақига ҳам улкан ҳисса кўшган. Бугунги кунда ҳам мамлакатимиз бой тарихий, илмий-маърифий ва маданий меросни ўрганиш, миллий кадриятларни асраб-авайлаш ва тарғиб этиш, маърифатли ислом ғояларини ёйиш ҳамда диний бағрикенгликни қарор топтириш ва мустақамлашда бутун дунёга ўрناق бўлмоқда.

**БМИнинг объекти.** Ўзбекистонда дин функцияларининг тикланиши ва бу жараён билан боғлиқ бўлган ҳолда давлат ва дин муносабатларини ўрганиш ташкил этади.

Ўзбекистонда давлат ва диннинг ўзаро муносабатлари илдизлари жуда қадим даврларга бориб тақалади. Айни пайтда, ушбу муносабатлар турли тарихий даврларда турлича мазмун касб этган. Улар орасидаги муносабат синкретик характерга эга бўлган, Ўрта асрлардаги каби дин жамиятнинг барча соҳаларида, шу жумладан, давлат ҳаётида тўла ҳукмронлик қилган даврлар ҳам бўлган. Муайян давлатларда дин бутунлай инкор этилган, яъни атеизм устунлик касб этган.

Ҳар бир давлат ўзининг динга бўлган муносабатини муайян меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва қонунлар орқали тартибга солиб келган. Шундай бўлса-да, шахснинг бошқалар билан биргаликда ўзи хоҳлаган динга эътиқод қилиши эркинлиги асло унга давлат томонидан тақдим этилган совға эмаслигини таъкидлаш зарур. Дин ва эътиқод эркинлиги, бошқача айтганда, инсоннинг диний ҳуқуқлари шахснинг асосий ва табиий ҳуқуқларидан биридир.

Ижтимоий фанлар доирасида давлат ва дин муносабатлари бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бири ҳисобланади. Ер юзидаги барча давлатларнинг ижтимоий ҳаёти мазкур масалага у ёки бу даражада алоқадор бўлиб, унинг қандай ечилиши давлатнинг иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий-маънавий тараққиётига таъсир этади. Ҳозирги кунда давлат ва диннинг ўзаро муносабатлари бўйича давлатларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- Динга давлат дини мақоми берилган давлатлар (Қатар, Покистон, Коста-Рика);
- Черков таъсири доирасидаги давлатлар (Дания, Буюк Британия, Шимолий Ирландия);
- Дунёвий давлатлар ёки диний муносабатларда бетарафлик йўлини тутувчи давлатлар (Бурунди, Мадагаскар, Нигер, Туркия, Чад);
- Расмий динга эга бўлмаган давлатлар (Аргентина, Белорусь, Боливия, Гана, ГФР, Гондурас, Испания, Италия, Кабо-Верде, Маврикия, Словакия, Судан, Таиланд, Чехия);
- Дин давлатдан ажратилган давлатлар (АҚШ, Голландия, Перу, Португалия, Россия, Франция, Украина, Ўзбекистон);

– Католик черкови билан келишувга эга давлатлар (Австрия, Венгрия, Венесуэла, Гаити, ГФР, Доминикан Республикаси, Испания, Ливия, Мальта, Монако, Марокаш, Польша, Сан-Марино, Қозоғистон);

– Ҳуқуқий эътироф этилган диний гуруҳларни муҳофаза қилувчи давлатлар (Испания, Италия, Кабо-Верде, Чехия);

– Диний-жамоавий тизимли давлат (Исроил).

Албатта, бундай гуруҳлаштириш, маълум даражада, шартли характерга эга. Шундай бўлса-да, у давлат ва дин ўртасидаги муносабатларининг асосий характерли хусусиятларини очиб беради.

Ҳозирги даврда жаҳондаги давлатларнинг ярмидан кўпи диннинг давлатдан ажратилганини ёки давлатнинг черковга нисбатан бетарафлигини ифодалайдиган, Конституция ёки қонун даражасида белгилаб қўйилган қоидаларга эга. Юридик тан олингани ёки олинмаганидан қатъи назар, барча давлатлар дин ва эътиқод эркинлигига ҳурмат билан қарашларини эълон қилганликларини таъкидлаш зарур.

Тарихан дин давлат ва унинг маънавий-маданий тизими ривожланишига катта таъсир ўтказиб келган. Ҳозирги даврда давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар бир қатор хусусиятлари билан ажралиб туришини таъкидлаш зарур. Энг аввало, “Совуқ уруш” даври тугагандан кейин сиёсий мафкурага мувофиқ ўтказиб келинган динга қарши сиёсат ҳамда диний фаолият устидан назорат қилиш сиёсати аста-секин сусаяётганини қайд этиш лозим.

Шундан келиб чиқиб, мавзуни ёритишда кўпроқ Шарқ мамлакатларининг ижтимоий фикрида исломнинг ўрни, Ўзбекистонда дин функцияларининг тикланиши, давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар демократик асосда, қонун доирасида ва виждон эркинлиги тамойилларига амал қилинган ҳолда ҳал этилаётганлигига алоҳида эътибор қаратилган.

**БМИ да шунингдек,** сўнгги вақтларда кескин тус олган ва тарқалиб бораётган диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашда Ўзбекистоннинг қатъий сиёсати, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдаги ўрни масаласига ҳам эътибор қаратилган. Шу билан бирга, ижтимоий барқарорлик ва тараққиётни таъминлашда юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, дин соҳасидаги илмий асосланган сиёсатнинг аҳамияти, фуқароларда мутаассиб ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг долзарб вазифалари ёритиб берилган. Бу соҳада амалга ҳалқаро миқёсда олиб борилаётган ҳаракатларда Ўзбекистоннинг ўзига хос ўрнини ҳалқаро сиёсатчилар ва нуфузли мутахассислар ҳам очик эътироф этишмоқда.

## **I БОБ. ДИН – УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТ СИФАТИДА**

Дин тушунчаси ўзбек тилига араб тилидан кириб келган бўлиб, ишонч, инонмок маъносини билдиради. Дин реал воқеликдаги, ижтимоий ҳаётдаги нарса ва ҳодисаларни табиатдан, жамиятдан ташқарида мавжуд деб ҳисоблайдиган, уларни ўзига хос тарзда акс эттирадиган маънавий эътиқод ва амалнинг бир туридир. *Эътиқод* сўзи ҳам араб тилидан кириб келган бўлиб, чуқур, мустаҳкам ишонч маъносини англатади. Демак, диний эътиқод деганда мустаҳкам, чуқур ишонч, маслак, ишониш тушунилади. Илоҳиёт, яъни диний таълимот нуқтаи назардан "дин", "диний эътиқод" тушунчалари жамият, инсон, унинг онги ҳаётнинг маъноси, мақсади ва тақдири уни бевосита қуршаб олган моддий оламдан ташқарида бўлган, уни гўё яратган, айна замонда инсонларга бирдан-бир "тўғри", "хақиқий", "одил" ҳаёт йўлларини кўрсатадиган ва ўргатадиган илоҳий кучга ишонч ва ишонишни ифода этадиган маслак, қарашлар, таълимотлар мажмуидан иборатдир.

Араб истилочилари Ўрта Осиёни эгаллаб олгандан сўнг исломни жорий қилиш билан ўз ёзувларини таълим-тарбия, одоб-ахлоқларини ва шу билан бирга араб маданиятини олиб келдилар. Исломгача бўлган динлар билан боғлиқ ёзувларни, тоат-ибодат буюмларини йўқ қилишган. Ибодатхоналар ўрнига масжидлар қурилган, араб алифбосига асосланган ёзув киритилган. Давлат тили, илмий тил асосан араб тили

хисобланган. Бу ҳақда Беруний ўзининг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асарида ёзишига кўра, Хоразмда араб лашкарбошиси Қутайба исломгача бўлган дин билан боғлиқ ёзувларни яхши биладиган ва ўз билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, бу ёзувларни бутунлай йўқ қилиб юборган<sup>1</sup>.

Исломгача "дин" сўзининг ўрнига "тангри йўли", "унга ишонч" иборалари қўлланилган бўлса керак. Туркий элатларнинг исломгача бўлган диний эътиқодларига биноан "тангри" бутун оламни, инсонни яратган, "юксаклик", "энг баланд", "баҳайбат" деган маъноларни ҳам англатган.

Муайян иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва ғоявий сабабларга кўра диний дунёқарашлар тўла ҳукмрон бўлган шароитларда ҳар қандай илғор табиий, илмий, жумладан, фалсафий қарашлар ҳам диний қарашларни, уларнинг мавжудлик сабабларини, моҳияти масалаларини четлаб ўта олмаган. Лекин, уларнинг дин ҳақидаги қарашлари руҳоний ва уламоларнинг расмий қарашларидан жиддий фарқ қилган. Биз бу вазиятни Форобий ва Берунийнинг динга бўлган муносабатларида кўришимиз мумкин.

Форобийнинг динга муносабати асосан унинг "Фозил шаҳар аҳолиси ҳақида китоб" рисоласида баён қилинган. Унинг фикрича, дин ҳам фалсафа каби воқеликни ўрганишга қаратилган, Бу фалсафа моддий оламни билиш, сабаб, оқибат боғланишларини аниқлаш орқали ўрганади. Дин эса воқеликка бу услуб билан эмас, балки тасвир (образли), рамзий, мажозий, қиёсий тасаввурлардан фойдаланиш орқали эътиқод қилишга чақириш йўли билан ёндашади. Демак, дин воқеликни, сабаб ва оқибат боғланишларининг моддий асосини ўрганмасдан изоҳлашга киришади.

Берунийнинг динга муносабати унинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" ва "Ҳиндистон" асарларида баён қилинган. Унинг фикрича, дин ҳам билим бўлиб, бундай билим воқеликдаги нарса ва ҳодисаларни далиллар орқали исботлаш билан ўрганиш мумкин бўлмаган жойда қўлланилади. Диний билим исботсиз эътиқодга, илмий билим эса далиллашга, исботлашга асосланади. Берунийнинг ўзи эса буткул далилларга асосланган билимлар билан шуғулланган.

Илмий билимларга асосланган дунёвий таълимот оламнинг мавжудлик сабаблари масаласида диний қарашлар билан келишмаса-да, аммо инсонни, унинг ижтимоий фаолияти, маънавий ва ахлоқий қадриятларини ўрганишда минглаб йиллар мобайнида унинг бағрида қўлга киритилган билим, тажриба, уларнинг ҳозирги кундаги ижобий аҳамиятини асло рад қилмайди. қолаверса, дин бағрида шаклланган маънавий, жумладан ахлоқий қадриятларнинг вужудга келиш сабаблари, уларнинг кишиларга ижобий

---

<sup>1</sup> қаралсин: Беруний. "қадимга Халқлардан қолган ёдгорликлар". Танланган асарлар, Т. I – Б. 72.

таъсирчанлик масалалари илмий жиҳатдан ўрганиш ва бу маънавий-ахлоқий кадриятлардан фойдаланиш кўпроқ аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач жамиятда маънавият соҳаси иқтисодий ва сиёсий соҳа билан бир қаторда устувор йўналишлардан бири сифатида эътироф этилди. Жамиятнинг маънавий тикланиши ва маънавий янгиланиши асосий ижтимоий вазифалардан бирига айланди. Юқорида таъкидланиб ўтилганидек, тикланиш – энг аввало, миллий мерос ва кадриятларнинг тикланишидир. Маънавий тикланиш – мустақилликка эришган бир қатор давлатлар тарихида объектив, қонуний ва зарурий босқич ҳисобланади. Маънавий тикланиш маънавий меросни ва маънавий кадриятларни тиклаш ва ундан жамиятнинг прогрессив тараққиёти йўлида фойдаланишга қаратилган жараёндир.

Миллатнинг тарихи билан боғлиқ бўлган маънавий кадриятларнинг тикланиш жараёни ушбу маънавий мерос ва кадриятларга объектив муносабатни, яъни уларни аксиологик тўғри баҳолаш ва зарур бўлганда уларга танқидий муносабатда бўлиш, улардан келажак тараққиётда фойдаланиш масаласига ҳис – туйғуларга берилмаган ҳолда реал ва объектив қараш ҳатто баъзан улардан воз кечишни талаб қилади.

Ҳар қандай тикланиш жараёни диалектик тарзда янгиланиш жараёни билан узвий боғлиқ бўлиб, улар амалда ёнма – ён бирга боради. Чунки маънавиятнинг тараққиёти фақат жамиятнинг ўтмишдаги кадриятлари билангина чекланиб қола олмайди. Тикланиш жараёни тўхтаб қолмаслиги учун янгиланиш жараёни ҳам зарур. “Ўтмишдаги шон-шухрат, муваффақият ва парвозлар яхши нарса, албатта! Аммо улар шунақа нарсаки, ҳар бир янги авлод бу шухратга шухрат қўшиб турмаса, эски ютуқлар қаторини янгилари билан бойитиб бормаса, миллатнинг қаноти қайрилиб, парвози сусайиб қолади”<sup>1</sup>.

Маънавий тараққиёт миллий – тарихий кадриятларни замонавий кадриятлар билан уйғунлаштиришни талаб қилади. Тарихий маънавий кадриятлар ҳозирги замонамиз руҳига мос бўлган умуминсоний демократик кадриятлар билан боғланиши, уларга мос тушиши ва уйғунлашиши зарур. Уларни давр талаблари асосида ва шу билан бирга миллатнинг манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда ижодий ривожлантириш лозим. Демак, ҳар қандай тарихий ва замонавий кадриятларга жамиятнинг ижодий ёндашуви талаб этилади. Бундай ижодий ёндашув давомида юқори тараққиёт даражасига эришган ривожланган давлатлар ва миллатларнинг кадриятларини ўрганиш, улар тизимидан давлатимизнинг демократик тараққиётига хизмат қиладиган, миллий маънавият ва

---

<sup>1</sup> Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. –Т.: Шарқ, 2004. 106-б.

манфаатларимизга жавоб берадиган элементларини танлаб олиш ва уларни жамиятимиз тараққиётида қўллаш билиш каби муаммоларни ҳал этиш лозим.

Маънавий янгиликларни замонавий миллий кадрларимиз, бошқа миллатлар ва давлатларнинг прогрессив кадрларини ўрганиш ва ўзлаштиришга қаратилган тарихий цивилизация давомидаги зарурий ва қонуний

Бу йўналишда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар бошқа соҳаларда ҳам маълум янгиликларни талаб этади. Чунки, бошқарув, иқтисодий ва маънавий тизимини қайта қуриш уч томонлама бир – бирига боғлиқ бўлган ягона йўналишни ташкил этади. Бу уч йўналишнинг янгиликларини Ўзбекистоннинг мустақиллик шароитидаги ижтимоий – сиёсий ва иқтисодий – маънавий тараққиётининг талаблари ва эҳтиёжлари билан чамбарчарс боғлиқ.

Ўрта Осиёда доим ҳам маънавий шахснинг асосий хусусияти ва моҳиятини ифода этган. Бошқа цивилизацияларга нисбатан Шарқ цивилизациясида ахлоқ муҳимроқ аҳамиятга эга бўлган ва унинг асосини ташкил этган. Ўзбекистоннинг келгуси тараққиётида юксак ахлоқ қонун билан мустақамланган эркинлик билан, профессионализм, билимлилик, жавобгарлик ва шахснинг фаоллиги билан қўшилгандагина катта муваффақиятларга эришиш мумкин.

Бу нуқтаи назардан 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” Қонуни, унинг асосида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” муҳим аҳамиятга эга. Жамиятнинг тубдан янгиликларини ва барча соҳаларда амалга ошириладиган ислохотларнинг муваффақияти кадрлар сиёсати, уларнинг малакаси, билими даражаси, профессионализи ва албатта, маънавиятига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Шуни таъкидлаш зарурки, мазкур соҳаларда қабул қилинган ҳужжатлар таълим доирасидаги янги ёндашувларни амалга ошириш борасида муҳим қадам бўлди. Тараққиётнинг ўзбек модели айнан шахснинг маънавий такомиллашуви ва юксаклик масаласига катта эътибор қаратади. Шахс ўзининг юқорида қайд этилган хусусиятлари асосида маънавий тикланиш ва янгиликларни жараёнининг ҳаракатлантирувчи омили бўлиб қолиши керак. Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун таълим ва билимнинг мавқеини ошириш, миллий ва умуминсоний маданият ҳамда маънавий кадрларни ёшлар томонидан яхши ўзлаштирилишига имкон яратиб бериш талаб этилади. Мустақилликдан кейин қабул қилинган қонунлар ва фармонлар айнан ана шу вазифаларни амалга оширишга қаратилган. Бу нуқтаи назардан 2008 йилнинг Республикамизда “Ёшлар йили” деб эълон қилиниши ҳам бу йўналишдаги муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов 1996 йилдаёқ Олий Мажлиснинг У1 сессиясидаги нутқида (1996 йил, 29 август), янгиланиш жараёни билан боғлиқ бўлган қуйидаги тамойиллар ҳақида уқтириб ўтган эди:

*Биринчидан*, жамиятнинг тубдан янгиланиши, барча соҳаларда ислохотларнинг амалга оширилиши демократик тамойилларни турмуш тарзига айланиб боришини таъминловчи узлуксиз жараёндир;

*иккинчидан*, жамиятнинг дамократиялашиб бориши иқтисодий соҳа каби ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий янгиланишга асосланади;

*учинчидан*, жамиятда қонун устуворлиги ва ҳамманинг қонун олдида тенглигини таъминлаш лозим. Бунинг учун жамиятнинг ижтимоий онгида демократик қадриятларга янгича муносабатни шакллантириш, инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш зарур. Буларнинг ҳаммаси умуммиллий маданиятнинг ривожланишига ижобий таъсир этиши керак;

*тўртинчидан*, жамиятнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланиши аҳолининг сиёсий фаоллиги ва сиёсий маданиятининг даражасига боғлиқ. Шахснинг позицияси, унинг ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига муносабати, жамиятдаги салбий ҳодисаларга нисбатан мурасасизлиги жамиятда демократиянинг ривожланишига ва уни жамиятнинг ажралмас қисмига айланишига олиб келади.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон тарихий туб бурилишлар ва ўзгаришлар даврини бошдан кечирмоқда. Жамиятнинг ижтимоий ҳаёти бир шаклдан иккинчи шаклга ўтмоқда. Жамиятнинг ҳозирги тараққиётини халқнинг турмуш тарзини тўла ўзгартираётган инқилобий қайта қуришлар даври сифатида тавсишлаш мумкин.<sup>1</sup>

Ушбу инқилобий ўзгаришлар қуйидагиларда намоён бўлади:

- миллий маънавият ва маънавий қадриятларнинг тикланиши ва маданий – маънавий меросни ўрганиш имкониятининг юзага келиши;

- янги тарихий шароитда Шарқ аънавалари ва бу соҳадаги жаҳон илғор тажрибасининг синтези асосида ўзбек миллий давлатчилигининг ривожланиши;

- демократик жараёнларнинг тараққий этиши ва Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсатидаги ролининг ошиши.<sup>2</sup>

Ҳали Ўзбекистон мустақиллика эришмасдан турибқ И.А.Каримов раҳбарлигидаги Республикамиз ҳукумати жамиятимизнинг маънавий тикланиши ва янгиланиши соҳасида бир қатор амалий тадбирларни амалга оширди.

---

<sup>1</sup> Жураев Н. Агар оғох сен.-Т.: Ёзувчи, 1998. 77 б.

<sup>2</sup> Жураев Н. Агар оғох сен.-Т.: Ёзувчи, 1998. 77 б.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятига тобора кириб бориб, мамлакатда демократик жараёнларни амалга ошириб, фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида ўзаро илмий ва амалий алоқаларни мустаҳкамлаб бораётган бир шароитда турли конфессия вакиллари билан мулоқот қилишнинг юксак маданиятига эришиш катта аҳамият касб этади. Марказий Осиё халқлари ҳаётида диний қадрият ва анъаналар муҳим ўрин эгаллаб келган.

Ёшларни юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялашда аجدодлар маънавий меросининг ўрни беқиёсдир. Инсоннинг руҳий камолотиغا хизмат қилувчи қадриятлар асрлар давомида диний қарашлар билан боғлиқ ҳолда ривожланган. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда динлар тарихи, муқаддас манбалари, таълимотларини ўрганиш тарихини, ўзлигимизни англашга ёрдам беради. Ислом дини жаҳон динлари ичида энг ёшидир.

Ислом дини дунёда эътиқод қилувчилар сони жиҳатидан христианликдан кейин иккинчи ўринда туради. Ислом дини жаҳонда географик жиҳатдан жуда кенг тарқалган монотеистик яккахудолик динларидан биридир. Бугунги кунда ислом дунёнинг 172 та мамлакатида тарқалган. Жаҳондаги 6 млрд. аҳолининг 1,5 млрд. га яқин аҳолиси ислом динига эътиқод қилади. Бу эса жаҳон аҳолисининг 20 % дан ортиқроқ қисмини ташкил этади. 22 та араб мамлакатларида 300-350 миллион мусулмон яшайди. Масалан, Мисрда 60 миллион аҳолисининг 48 миллиони мусулмон. Шундан Коҳира шаҳрида 16 миллион аҳоли яшайди. Африкадаги Ливия, Тунис, Марокаш, Жазоир, Судан, Мавритания, Уганда, Сомали каби мамлакатларда ҳам мусулмонлар яшайди. Яқин Шарқда Ливан, Сурия, Иордания, Ироқ, Фаластинда, Арабистон ярим оролида Саудия, Яман, Умал султонлиги, Форс кўрфазида эса Бирлашган Араб Республикаси, Қатар, Бахрайн, Қувайт каби давлатларда аҳолининг 98-99 % ини мусулмонлар ташкил қилади.

Туркияда 61 миллион, Эронда 63 миллион, Покистонда 125 миллион, Жанубий – Шарқий Осиё мамлакатлари бўлган Бангладеш 61 млн, Ҳиндистонда 150 млн, энг кўп мусулмонлар Индонезияда 165 миллионни ташкил этади. Бундан ташқари собиқ СССР худудидаги мустақил ҳамдўстлик мамлакатлари Россиянинг Доғистон, Татар, Бошқирд, Чечен, Карачей, Балқар каби миллатлари ва Сибирда ҳамда Марказий Осиё мамлакатларидаги – қозоқ, қирғиз, ўзбек, туркман, Хитойда уйғур, қрим татарлари ҳам исломга эътиқод қиладилар. Дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам мусулмонлар яшаб исломга эътиқод қиладилар. Европа қитъасида Болқон ярим оролидаги Албания, Косова, Босния-Герцоговина каби мамлакатларида ҳам мусулмон халқлари яшайди.

Аҳолисининг кўп қисми мутлоқ мусулмонлардан иборат бўлган 39 мамлакат, шунингдек, аҳолисининг ярмини мусулмонлар ташкил қилган мамлакатлар ҳам (Миср, Малайзия) ўзларини мусулмон мамлакатлари деб атайдилар. Мавритания, Эрон, Покистон, Камар ороллари, Афғонистон каби мамлакатларни номига ҳам ислом сўзи қўшиб айтилади. Масалан, Эрон ёки Покистон, Афғонистон ислом республикаси деб юритилади. 28 мамлакатда ислом расмий давлат дини ва мафқураси сифатида тан олинган.

XX асрдан ҳозирги давргача инсониятнинг умумий тарихига хос бўлган икки тенденция: жамиятнинг, миллатлар, мамлакатлар ва давлатларнинг ўзаро алоқадорлиги кучайиб бориши натижасида интеграция жараёнлари юзага келди. Шу билан бирга интеграцияга қарши бўлган кучлар ҳам жонлана бошлади. Умуман олиб қараганда, интеграция табиий жараён бўлиб, инсоният тарихи бундай жараён билан доимо бирга, ёнма-ён борган. Интеграция жараёни объектив тарзда турли жамиятлар ҳаётини, маданияти ва турмуш тарзини бойитади. Жамиятда мавжуд мафкура, ижтимоий қарашлар, ижтимоий фикр, шахс дунёқараши унинг натижасида ўзгаради ва ривожланади. Ўзаро ижтимоий-тарихий алоқалар ўз навбатида маданий-маънавий алоқаларнинг тараққиётини ҳам тақазо этади. Шунга кўра Шарқ жамияти ижтимоий фикрининг бугунги кундаги тараққиёти, хусусиятлари, унга таъсир этувчи жиҳатлар ва омиллар каби масалаларни ўрганиш барча ижтимоий фанлар ва шулар билан бир қаторда тарих фани соҳасида ҳам катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда дин ва мафқуранинг ижтимоий-маънавий аҳамияти шундай кучайганки, жамият ҳаётининг барча соҳаларида ушбу ҳолат акс этмоқда. Бундай шароитда диннинг, ғояларнинг ва мафқуранинг тарихи, моҳияти жамият тараққиётидаги ролини ўрганиш катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Бу соҳада сўнгги пайтларда тарихчилар, файласуфлар, сиёсатшунослар ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлари олимлари томонидан катта илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Маълумки, жамият тарихида ахлоқ, дин, фан, маданият, маънавият, ҳуқуқ, санъат ва ҳ.к. ҳодисалар доим ҳам мавжуд бўлган. Улар муҳим омиллар сифатида ижтимоий ҳаёт ва инсонларнинг фаолиятини тартибга солиб турувчи ижтимоий қоидаларнинг регуляторлик вазифасини ўтаб келган. Жамият тарихида энг аввал ахлоқий қоидалар пайдо бўлган. Дин, турли ғоялар ва мафқуранинг шаклланиши жамият тараққиётида улкан аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, дин ахлоқий онгнинг таркибига кириб бориб ва у билан муносабатда бўлиб, диний-ахлоқий қадриятларни шакллантирди. Ижтимоий онгнинг деярли барча шаклларида диний онгнинг элементлари мавжуд. Улар орқали диний онг маънавий қадрият сифатида намоён бўлади. Мазкур омиллар ижтимоий ҳаёт

ва инсонларнинг фаолиятини тартибга солиб турувчи ижтимоий қоидаларнинг регуляторлик вазифасини ўтайди.

Дин, гоё мафкура каби ҳодисалар энг аввало, тарихий ва маънавий қадриятлар ҳисобланади. Бошқа маънавий қадриятлар қатори улар ҳам субъектлар ва ижтимоий гуруҳларнинг ориентация қилишига ёрдам беради. Диний қадриятлар инсонлар учун муҳим ва аҳамиятли бўлган ижтимоий ҳодисалар бўлиб, ижтимоий фикрга, кишиларнинг ижтимоий кайфияти ва руҳиятига, ижтимоий муносабатларга таъсири орқали жамиятнинг ва маънавий ҳаётнинг барқарорлигини таъминлашда катта рол ўйнайди. Шахснинг пассив ёки фаоллигини, кундалик ахлоқий қоидаларини белгилайди.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, ҳозирги кунда исломнинг ана шундай жиҳатларидан фойдаланиш мумкин. Масалан, унинг тарбияловчилик функцияси ҳозирги тез тараккий этиб бораётган даврда миллий маънавиятни ҳимоя қилишнинг воситаларидан бири бўлиши мумкин: ота-оналар ва фарзандлар, катта билан кичик, авлодлар ўртасидаги, жамиятнинг аёлларга нисбатан муносабатларда бурч ҳиссини шакллантириш, ижтимоий табақаланишнинг олдини олишда, толерантлик, ўзаро ҳурмат, раҳмдиллик, сабр-тоқат, ўзаро ёрдам каби хусусиятларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш ана шулар жумласидандир. Ушбу жиҳатлар орқали жамиятни глобаллашувнинг негатив оқибатларидан ҳимоя қилган ҳолда ижтимоий ҳаётда барқарорлик, бирбутунлик, хотиржамлик руҳини таъминлайди.

Диний қадриятларнинг моҳиятини миллий қадриятларга яқинлигини ҳисобга олган ҳолда, маданият ва маънавиятни миллий қадриятларимизни глобаллашув олиб келадиган оммавий маданиятнинг таъсирларидан, ҳамда маънавиятимизга зид келадиган маданий элементларнинг негатив таъсирларидан ҳимоя этади. Бу ерда диний қадриятлар “фильтр” ёки “цензура” вазифасини ўташи эвазига диний онг ўзини ҳимоя эта олади ва маданий глобаллашувга қарши тура олади.

*Сўзимизнинг исботи сифатида айтиши мумкинки, маънавиятнинг бир қатор соҳалари: дин, санъат, таълим тизими, маориф кабиларга оид бўлган фармонлар ва қарорлар қабул қилинганини келтириши мумкин. Жумладан ўша даврда СССР таркибида бўлган Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов томонидан “Мусулмонларнинг Саудия Арабистонига ҳаж қилиши тўғрисида” ги фармони (1990 йил, 2 июнь) эълон қилинди. Ислом буюк алломаларининг: Имом Абу Исо ат-Термизийнинг 1200 йиллиги, Махмуд аз Замахшарийнинг 950 йиллиги, Нажмиддин Қубронинг 850 йиллиги, Баҳоуддин Нақшбандининг 675 йиллиги, Хўжа Аҳрор Валининг 600 йиллиги, Ал Мотурудийнинг 1330 йиллиги, Ахмад ал Фарғонийнинг 1200 йиллиги каби юбилейлар мамлакатимизда кенг нишонланди. Бундан ташқари 1991 йилда*

Ўзбекистон Президенти фармони билан «Рамазон - хайит» ( 1991 йил, 11 апрель ) ва «Қурбон-хайит» ( 1996 йил 20 июнь ) кунлари байрам ва дам олиш кунлари деб эълон қилинди. 1992 йил мусулмонларнинг муқаддас китоби Қуръони Карим биринчи марта ўзбек тилида 100 минг адад билан нашр этилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг айниқса, диний қадриятларни тиклаш соҳасида Республикамиз Президенти ва ҳукуратимиз томонидан катта ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизнинг мусулмон аҳолиси ўзининг диний эҳтиёжларини қондириш ва диний билим олиш имкониятига эга бўлди. 1999 йил 9 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент ислом университетини ташкил этиш тўғрисида”ги фармонида биноан мазкур университет ўз фаолиятини бошлади. Бундан ташқари Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг ““Авесто” яратилганлигининг 2700 йиллигини нишонлаш тўғрисида” қабул қилган қарори маънавий янгиланиш соҳасидаги катта воқеа бўлди.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, диний қадриятларга бўлган муносабатнинг тубдан ўзгариши ва диний қадриятларнинг тикланиши фақат ислом динигагина тааллуқли бўлган ҳодиса эмас. Юқорида қайд этилган чора – тадбирлар ислом дини қатори мамлакатимизнинг мусулмон бўлмаган аҳолиси эътиқод қиладиган бошқа барча динларга ҳам тегишлидир. Мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи кунлариданок ислом динигагина эмас, мавжуд бошқа динларга ҳам ҳурмат билан ёндашув тамойилига амал қилиниб келинмоқда. Қабул қилинган ҳуқуқий нормалар ва демократик тамойиллар Ўзбекистонда мавжуд барча динлар ва уларга эътиқод қилувчилар учун ҳам диний эркинликни кафолатлайди.

Ҳозирда Ўзбекистонда 2000 дан зиёд ислом диний ташкилотлари қатори 163 та христиан черковлари, 8 та синагога, 6 та Баҳоилик жамияти, Кришнани англаш жамияти ва Будда ибодатхонаси фаолият кўрсатмоқда.<sup>1</sup> 1996 йилда Ўзбекистонда Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё Епархиясининг 125 йиллиги тантаналари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида кенг байрам қилинди. Тантаналар давомида “Ўрта Осиёда православ черкови” кўргазмаси бўлиб ўтди. Бундан ташқари шу йилнинг ноябрь ойида Тошкентдаги Евангел – христиан черковининг 100 йиллиги, декабрь ойида эса Немис Евангел – лютеранлар черковининг Ўзбекистондаги илк черкови (Кирхаси)нинг 100 йиллиги тантаналари Тошкент шаҳрида кенг нишонланди. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг фармонида кўра Тошкент шаҳрида Православ маънавий марказини яратиш учун ҳудуд ажратилди. Ҳозирда мазкур марказ қошида семинария (духовная

---

<sup>1</sup>Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2005. 20,13 бетлар.

семинария) фаолият олиб бормоқда. Унда Ўрта Осиёда жойлашган тўртта давлатдаги православлар приходлари учун диний хизматчилар тайёрланади. Умуман сўнги 10 йил ичида Ўрта Осиёдаги православ приходларининг сони икки мартага ошди. Ҳозирда улар 98 тани ташкил этади.<sup>1</sup>

## **II-БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ВА ЖАМИЯТДА ДИН ФУНКЦИЯЛАРИНИНГ ТИКЛАНИШИ**

Ҳозирги кунда дин ижтимоий онгнинг бошқа соҳалари қаторида жамиятнинг маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутди. Диний онг, унда диний қадриятларнинг акс этиши жараёни ва жамиятда динга бўлган муносабатнинг ўзгариб бораётганлиги барчамизга маълум. Бундай ўзгаришларга албатта, мустақилликдан сўнг мамлакатимизда дин ва диний қадриятларга бўлган гуманистик муносабатнинг тикланиши ва диний қадриятларнинг маънавий ҳаётдан ўзининг муносиб ўрнини эгаллай олганлиги ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Маълумки, дин жамиятда бир нечта функцияларни бажаради. Жумладан, регуляторлик (тартибга солиб турувчилик), тарбияловчилик, тинчлантирувчилик, дунёқарашлик, компенсаторлик, бирлаштирувчилик, акс эттирувчилик ва бошқалар. Ўзбекистон мустақилликка эришуви натижасида дин жамиятда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди ҳамда жамият, унга эътиқод қилувчилар томонидан буюк қадрият сифатида эътироф эта бошланди. Дин энди аввалгидек юқорида қайд этилган функцияларини бажара бошлади.

---

<sup>1</sup> Не погаснет свеча православия в Средней Азии. Беседа с архиепископом Владимиром, главой Ташкентской и Среднеазиатской Епархии // Общественное мнение. Права человека №2 (14), 2001. 75 б.

Ҳозирги даврда дин маънавий тизимда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиб, Ўзбекистонда маънавий тикланиш ва маънавий янгиланиш жараёнига катта таъсир кўрсатади, ёш давлатимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлашда, миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда катта рол ўйнайди. Бундан ташқари дин ўзининг бирлаштирувчилик функциясини бажарган ҳолда жамият аъзоларини давлатимиз олдида турган иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни бажаришга сафарбар этади.

Бугунги кунда диннинг ижтимоий-маънавий аҳамияти шундай кучайганки, жамият ҳаётининг барча соҳаларида ушбу ҳолат акс этмоқда. Бундай шароитда ислом динининг тарихи, моҳияти, ислом қадриятлари ва уларнинг Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ўрнатиш, юксак маънавиятга эга бўлган ҳуқуқий демократик давлатни яратишдаги, ҳамда миллий истиқлол ғоясини шакллантириш борасидаги ролини ўрганиш катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Бу соҳада сўнгги пайтларда бир қатор ўзбек олимлари томонидан катта илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.<sup>1</sup>

Диний қадриятлар ижтимоий ҳаёт ва инсонларнинг фаолиятини тартибга солиб турувчи ижтимоий қоидаларнинг регуляторлик вазифасини ўтайди. Жамият тарихида энг аввал ахлоқий қоидалар пайдо бўлган. Диннинг шаклланиши билан улар диний моҳият касб эта бошлади. Дин ахлоқий онгнинг таркибига кириб бориб ва у билан муносабатда бўлиб, диний - ахлоқий қадриятларни шакллантирди. Ижтимоий онгнинг деярли барча шаклларида диний онгнинг элементлари мавжуд. Улар орқали диний онг маънавий қадрият сифатида намоён бўлади.

Бошқа маънавий қадриятлар қатори диний қадриятлар ҳам субъектлар ва ижтимоий гуруҳларнинг ижтимоий ҳаётида ориентация қилишига, йўналтирилишига ёрдам беради. Диний қадриятлар ижтимоий фикрга, кишиларнинг ижтимоий кайфияти ва руҳиятига, ижтимоий муносабатларга таъсири орқали жамиятнинг ва маънавий ҳаётнинг барқарорлигини таъминлашда катта рол ўйнайди. Шахснинг пассив ёки фаоллигини, кундалик ахлоқий қоидаларини белгилайди. Шу сабабли ҳам глобаллашув жараёнида исломнинг ана шундай жиҳатлари муҳим аҳамият касб этади. Масалан,

---

<sup>1</sup> Абдусамедов А. Динлар тарихи.-Т.,2004; Бегматов А.Маънавият фалсафаси ёхуд Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши.-Т.: Шарк,2000; Давронов З. Маънавият асослари.-Т.: Фан, 2002; Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи.-Т.: Ўзбекистон; Жалолов А. Ўзбекистон мустақиллик, маънавият, мафкура. -Т.: Ўзбекистон, 1994 ; Имомназаров М. Маънавиятимизнинг такомил босқичлари.- Т.: Шарк,1996; Каримов И. Маънавият. фалсафа ва ҳаёт (мақолалар туплами) .-Т.: Фан,2001;Комилов Н.Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи.1-китоб.-Т.:Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат ва Ўзбекистон нашриёти, 1999; Махмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. -Т.: Шарк,2001; Назаров Қ.Қадриятлар фалсафаси(аксиология).-Т.:Файласуфлар миллий жамияти,2004;Соифназаров И. Бозор иқтисодиети ва шахс камолати.-Т.: 1996; Хужамуродов И. Маънавий қадриятлар ва миллий узлигини англаш.-Т.: 1996; Эркаев А. Духовность – энергия независимости.-Т.: Маънавият,1998; Миллий ғоя ва маънавият. -Т.: Маънавият, 2002; Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари.-Т.: Университет,1998 ва бошқалар.

унинг консерватив хусусиятлари бу жараёнда миллий маънавиятни ҳимоя қилишнинг воситаларидан бири бўлиши мумкин: ота-оналар ва фарзандлар, катта билан кичик, авлодлар ўртасидаги, жамиятнинг аёлларга нисбатан муносабатларда бурч ҳиссини шакллантириш, ижтимоий табақаланишнинг олдини олишда, толерантлик, ўзаро ҳурмат, раҳмдиллик, сабр-тоқат, ўзаро ёрдам каби хусусиятларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш ана шулар жумласидандир. Ушбу жиҳатлар орқали жамиятни глобаллашувнинг негатив оқибатларидан ҳимоя қилган ҳолда ижтимоий ҳаётда барқарорлик, бирбутунлик, хотиржамлик руҳини таъминлайди.

Диний қадриятларнинг моҳиятини миллий қадриятларга яқинлигини ҳисобга олган ҳолда, маданият ва маънавиятни миллий қадриятларимизни глобаллашув олиб келадиган оммавий маданиятнинг таъсирларидан, ҳамда маънавиятимизга зид келадиган маданий элементларнинг негатив таъсирларидан ҳимоя этади. Бу ерда диний қадриятлар “фильтр” ёки “цензура” вазифасини ўташи эвазига диний онг ўзини ҳимоя эта олади ва маданий глобаллашувга қарши тура олади.

Субъектлар ўз манфаатлари йўлида кишиларнинг руҳияти, миллий ва диний онги, бағрикенглиги каби хусусиятларидан усталик билан фойдаланадилар. Ижтимоий руҳиятга таъсир этишнинг турли замонавий усулларини ўйлаб топадилар. Шунинг учун зарурки, айрим манфаатдор сиёсий кучлар ислом маънавий қадриятларини ақидалаштириш ва деформация қилишлари, турли усуллар орқали уларни осонгина сиёсий ўйинларнинг воситасига айлантириб олишлари ёки улардан ўз сиёсий мақсадларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш йўлида фойдаланишлари, турли ижтимоий-сиёсий ориентацияларнинг асоси сифатида қўллашлари мумкин. Худди шунга ўхшаш ҳодисаларни терроризмга қарши кураш баҳонасида АҚШ нинг Ирокни эгаллаб олишида, террористик кучларнинг Афғонистон, Россия Федерациясининг ҳудудларида ислом ғояларини ўзларига ниқоб қилиб олиб амалга оширган турли кўпоровчилик ҳаракатларида, сўнгги вақтларда янада авж олган Исроил ва Фаластин ўртасидаги сиёсий-диний можароларда ва ниҳоят яқин ўтмишда бўлиб ўтган Андижон воқеалари мисолида кўриш мумкин. Бундай ҳодисалар Ўзбекистондан ташқаридаги турли сиёсий-диний экстремистик ва террористик кучларнинг миллатга, ҳукуматга ва мустақилликка қарши олиб бораётган курашидан бошқа нарса эмас. Агар жамият бундай ҳодисаларга ўз вақтида қарши чиқмаса, улар давлат мустақиллигини хавф остида қолиб, жамиятнинг диний фундаментализм ва тоталитаризмга, экстремизм ва терроризмга асосланган сиёсий кучларнинг ҳукмронлиги остида қолишига олиб келиши мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, жиход, халифат, ғазавот кабиларни тарғиб этувчи фундаментализм, экстремизм, терроризм ҳодисалари ислом динидан жуда йироқ бўлиб, уларнинг моҳияти ислом ғояларига ва унинг қадриятларига тамоман зид. Улардан ислом динининг ўзи ҳам катта зарар кўради. Лекин бугунги юксак ахборотлашган ва коммуникацияга эга бўлган даврда қайд этилган ҳодисалар жамият аъзоларининг дин масалаларида яхши билимга эга бўлмаган айрим қисмига ўз таъсирини ўтказиши табиий. Бундай вазиятга баъзибир ёшларнинг тушиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Жамият дин ва унинг қадриятларидан энг аввало, маданий-маънавий бойлик, таълим-тарбия воситаси, жамиятда барқарорлик ва тинчликни таъминлашга ёрдам берувчи маънавий омил сифатида фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиши катта аҳамиятга эга. Глобаллашув шароитида диндан қайд этилган мақсадларда фойдаланиш давлатимизнинг маънавий тараққиётига хизмат қилади. Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг 98 % фоизини мусулмонлар ташкил этади. Уларнинг ижтимоий онгида миллий ва диний қадриятлар кўп жиҳатдан фарқланмаган ҳолда акс этади. Унинг устига миллий ва диний ахлоқий қадриятларнинг, менталитетнинг деярли бирхиллиги жамиятнинг прогрессив тараққиётига хизмат қилувчи диний қадриятлардан кенг фойдаланиш имконини беради.

Яқин кўшнимиз бўлган Қирғизистон Республикаси ихтиёрсиз ҳолда глобал диний жараёнларга тортилди. Ҳозирги даврда Қирғизистоннинг сиёсий жараёнида расмий тарзда Хизб ут-Тахрир Ал Исломи ва норасмий тарзда “Таблиғ” диний-сиёсий партиялари фаолият олиб бормоқда. Мамлакат ҳудудида ислом икки йўналишга бўлиниб қолди: анъанавий ислом ва сиёсий ёки четдан импорт қилинган секталарга асосланган ислом. Бу йўналишлар мамлакатдаги диний тафаккурга мос тушмайди. Иккинчиси норасмий диний лидерларнинг ҳамда, Қирғизистон учун анъанавий бўлмаган ваҳобийлик, Хизб ут-Тахрир, Нурчилар, Салафийлар, Аҳмадийлар каби секталарнинг фаолиятлари билан боғлиқ. Охири вақтларда Қирғизистонда турли “даъватчилар” гуруҳлари ўта фаоллашиб, улар Ўзбекистоннинг чегара ҳудудларида ҳам ўз фаолиятини олиб боришга ҳаракат қилмоқдалар. АҚШ уларнинг лидерларини тайёрлашда ўзининг Америка Халқаро тараққиёт агентлиги базасида Қирғизистонда исломни ўрганиш бўйича турли грантлар, толерантлик курслари, конфликтларни олдиндан аниқлаш курслари каби лойиҳаларни амалга оширмоқдалар. Албатта, бундай ҳодисалар Ўзбекистонни ҳам ўз маънавий хавфсизлигини таъминлаш учун уларга жавобан бир қатор вазифаларни амалга оширишга мажбур қилади.

Маълумки, ислом дини унга эътиқод қилувчиларни – жамоавийлик руҳида тарбиялайди. Ислам қадриятлари мусулмон кишини оғир ва босиқ бўлишга,

шошилмасликка, сабр – тоқатли бўлиш, ҳамма қатори яшаш, кўпчиликни ҳурмат қилиш ва ҳ.к. чақиради. Демак, бу ерда кўпчиликнинг фикри асосий ҳисобланади. Кўпчиликка эргашиш, кўпчиликнинг, яъни жамоанинг намунали томонларига, ибратли қоидаларига тақлид қилиш ва улардан ўрнак олиш албатта, тарбия соҳасида катта аҳамиятга эга. Тақлид индивидуал ўзига хослик билан уйғунлашиб намоён бўлганда шахс тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

Диний қадриятлар кўп ҳолларда миллий маънавий қадриятлар билан қўшилиб кетган. Шахс онги кўп ҳолларда миллий ва диний қадриятларнинг чегарасини аниқ англаб етмайди. Глобаллашувнинг миллий маънавиятимизга путур етказиши мумкин бўлган негатив томонларидан ҳимояланишда бу ҳолатни ҳисобга олиш зарур. Жамиятнинг прогрессив тараққиётига хизмат қилувчи диний қадриятларнинг потенциали Ўзбекистоннинг келгуси маънавий тараққиёти учун катта аҳамиятга эга. Аммо шунини ҳам қайд этиш зарурки, глобаллашув шароитида диний қадриятларнинг ўзигина ҳимоя воситаси бўла олмайди, уларнинг ҳимоя қилиш потенциали етмайди. Диний қадриятлар маълум чегарагача миллий маънавиятни ҳимоя қилувчи омиллардан бири сифатида хизмат қила олади. Ҳақиқий ҳимоя воситаси бўлиши учун диний қадриятлар илғор демократик, замонавий қадриятлар билан қўшилиши лозим. Прогрессив руҳдаги ахлоқий, илмий, диний, эстетик, ҳуқуқий ва сиёсий қадриятлардан иборат бўлган ягона қадриятлар тизими миллий миллий маънавиятни глобаллашувнинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилишнинг асосий омили бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундай тизимнинг асосий хусусияти миллийлик бўлиши лозим.

Маълумки, жамиятда ижтимоий онгнинг миллий ва диний онг толерантлик хусусиятига эгалигидир. Маълумки, толерантлик – бу очиклик, бағрикенглик, бошқаларга ва улар олиб келаётган янгиликларга ижобий кўз билан қарашдир. Миллий онгимизнинг ўзига хослигини белгилаб берувчи бундай хусусият асрлар давомида шаклланган қадриятларимиздан биридир. Толерантлик ижобий ва прогрессив ҳодиса бўлиб, у жамият ва шахснинг қадриятли танлов ва қадриятли ориентацияни амалга оширишида ижобий рол ўйнайди. Жамият онги толерантлиги сабабли ҳам ҳар қандай янгиликни осон қабул қилади. Демак, янгилик эвазига жамият онги янада кенгайиб ва ривожланиб боради.

Дин тарғиб этувчи ғоялар уни ташувчилар учун катта аҳамият касб этади. Масалан, ислом динидан фарқ қилган ҳолда яҳудийликда – асосий ғоя яҳудийларнинг Худо томонидан танлаб олинганлиги ғояси. Бу ғоя уларга идентификацияни сақлаб қолиш ва ҳамма қатори бўлмасликка интилиш орқали миллий менталитетни ҳимоя қилишга ёрдам беради. “Қадимий яҳудийларда дин оддийлашув ва жамоавий

идентификациянинг йўқолишига қарши қурол бўлди. ... Бу дин Яхвенинг ўзи билан аҳд тузган Худо танлаб олган халқ мавқеини тасдиқлади. Бу аҳддаги асосий нарса – бошқа Худоларга эътиқод қилмаслик, ягона жамоавий тақдирни четлаб ўтган ҳолда индивидуал муваффақиятларни қидирмаслик”.<sup>1</sup>

Шундай қилиб, яҳудийларнинг тарихий биографиясида танлаб олинганлик, уларнинг ўзига хослиги мавқеи оддий ҳол сифатида қабул қилина бошланди. Бу нарса уларнинг илм-фан ва таълим - тарбия билан боғлиқ соҳаларда катта ютуқларни қўлга киритишига сабаб бўлди. Чунки яҳудийларнинг ўз фарзандарини “сен бошқачасан, ўзига хос миллатсан, яҳудийсан”, деб тарбия қилишлари уларни ҳам илмли, ақлли, интилувчан, тиришқоқ бўлишга ва шу билан бирга бошқачаликка, яъни яҳудийликка мос бўлишга ундайди. Бундай ҳодисалар миллий шовинизм хусусиятини касб этмаган ҳолда, ёш авлоднинг миллий онгини ўстиришга, ўз миллатидан фахрланиб ва ғурур билан яшашига бир сўз билан айтганда, миллий ўзликни англашга катта таъсир этиши мумкин (миллий шовинизм чегарасига етиб бормаган даражада).

### **III-БОБ. МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИСЛОМ**

Марказий Осиёга VII асрда кириб келишни бошлаган ислом дини VIII–IX асрларда ўзининг юксак даражадаги илмий ривожланиш даврини ўтади. Хусусан, IX асрда Марказий Осиёда ҳадис илми гуллаб-яшнади. Юртимиздан етишиб чиққан Имом Бухорий

---

<sup>1</sup> Философия истории. Под ред. А.С.Панарина. М.: Гардарики. 1999. 118 б.

(810–870), Имом Термизий (824–825–892), Имом Доримий (794–869) каби муҳаддислар ислом оламида тан олинган, Қуръони каримдан кейинги ўринда турувчи ҳадис тўпламларини туздилар. Арабистон Ярим оролидан Хуросон орқали кириб келган ислом илмлари Мовароуннаҳр уламолари томонидан ривожлантирилиб, ўзининг энг юқори чўққисини эгаллади. Имом Бухорий «ал-Жомий ас-саҳих», Имом Термизий ва Имом Доримий «Сунан» ҳадис тўпламларини туздилар.

Манбаларни ўрганиш, VIII–XII асрлар мобайнида Мовароуннаҳрда 3000 дан ортик кўзга кўринган муҳаддислар яшаб, фаолият юритганини кўрсатадики, бу ҳам мазкур даврда исломий илмлар ривожланиш даражаси ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Ҳадисшунослик билан бир қаторда ўлкада фикҳ илми ҳам ривож топди. Абу Ҳанифа илгари сурган ислом ҳуқуқидаги эркинлик тамойиллари ўлкамиздан чиққан Шамсул Аимма Сарахсий (1009–1094), Бурҳониддин Марғиноний (1123–1197) каби уламолар томонидан такомиллаштирилди. Имом Мотуридий (870–944) ва Абу Ҳафс Насафий (1068–1142) каби олимлар ханафий мазҳаби асосчисининг ислом ақидасига оид таълимотларини ривожлантириб, мукаммал ҳолатга келтирдилар.

IX–XI асрлар эса ислом фалсафасининг ривожланиш даври бўлди, дейиш мумкин. Бу соҳада ҳам Марказий осийлик алломаларнинг хизматлари улкан эканини эътироф этиш зарур. Жумладан, Шарқда «Муаллими соний» («Иккинчи муаллим») номини олган Абу Наср Форобий (873–950) ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» асарида идеал жамият кишиларининг қандай фазилатларга эга бўлиши лозимлиги ҳақидаги ғояларни тизимли асослаб берди. Юнон фалсафасини мукаммал ўрганиб, унга монанд равишда ислом фалсафасини ривожлантирган Абу Али ибн Сино (980–1037) табиий фанлар бўйича ҳам жаҳон илми хазинасига ўзининг бебаҳо ҳиссасини қўшди.

Абу Райҳон Беруний (973–1048) ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Минералогия», «Сайдана», «Қонуни Масъудий» каби асарлари орқали ижтимоий-гуманитар фанлар ва табиатшунослик илмлари ривожини янги, юқорироқ босқичга кўтарди, ўз даврига қадар яшаб ўтган олимларнинг асарларида мавжуд бўлган қимматли маълумотларнинг келажак авлодларга етказилишига хизмат қилди.

Исломдаги йирик йўналишлардан бири бўлган тасаввуф бўйича буюк аждодларимиз томонидан қолдирилган улкан мерос келажак авлодлар учун йўлчи юлдуз вазифасини ўтади ва ўтамоқда. Абдулхолик ўиждувоний (1103–1179), Нажмиддин Кубро (1145–1221), Баҳоуддин Нақшбанд (1318–1389), Хожа Аҳроп Валий (1404–1490) каби суфий авлиёларнинг динийлик ва дунёвийликни уйғун кўриш, ҳалол меҳнат билан кун

кечириш, ўз халқи эрки ва озодлиги, Ватани тараққиёти учун фидойиликни тарғиб қилувчи ғоя ва таълимотлари бугунги кунда ҳам улкан бирлаштирувчилик ва бунёдкорлик сари йўналтирувчи қудратини намойиш этмоқда.

Турли илм-фан соҳаларининг ўлкамизда тараққий топиши шу минтақамизнинг бой маданий, маънавий, иқтисодий имкониятлар заҳирасига эга бўлганидан, халқимизнинг интеллектуал салоҳиятидан далолат бериши баробарида ислом илмлари ва мусулмон маданияти ривожига юртимиз мутафаккирларининг қўшган ҳиссаси нечоғлик салмоқли бўлганини тасаввур қилиш имконини беради.

Имом Абу Ҳанифа асос солган Ҳанафий мазҳаби Куфа шаҳри (Ироқ)да юзага келиб, Мовароуннаҳрнинг энг йирик шаҳарлари бўлмиш Самарқанд ва Бухорода ўз тараққиётининг энг юқори чўққисига эришди. Оз муддат ичида у ислом дунёсининг кўплаб мамлакатларига тарқалди. Мусулмонларнинг катта қисмини ўзига жалб этиб, аҳли сунна вал жамоанинг энг катта ва кенг ёйилган мазҳабига айланди. Бугунги кунда дунёдаги тахминан 1,5 миллиард мусулмон аҳолининг 92,5 фоизини суннийлар ташкил этиб, улар мазҳаблар бўйича қуйидаги нисбатда бўлинадилар: ҳанафийлар-47%, шофеъийлар - 27%, моликийлар - 17%, ҳанбалийлар - 7,5%.

Иккинчи ҳижрий аср ўрталарига келиб ўз ҳуқуқий мактаби (ҳанафий мазҳаби)га асос солган Абу Ҳанифа асосан Қуръон ва суннага асосланиб ҳукм чиқарган ва ҳеч қачон шу икки асосий манбага таянмасдан, ўзининг шахсий фикрига асосланиб фатво бермаган. У қиёслаш усулини Қуръон ва ҳадисларда кўрсатилган умумий қоидалар ва Қуръон руҳига мувофиқ ривожлантирди ва фикҳ илмини такомиллаштириш учун ижодий фойдаланиш йўллари очиқ берди.

Унинг ўзи бу ҳақда шундай деган: «Биринчидан, Қуръонга мурожаат қиламан. Керакли ҳукми ундан тополмасам, Пайғамбар суннасига ва ул зотдан ишонарли ровийлар орқали ривоят қилинган саҳиҳ асарларга (ҳадисларга) мурожаат этаман. Улардан ҳам тополмасам, саҳобалар сўзларини кўриб чиқиб истаганимни оламан, истамаганимни тарк этаман. Сўнгра саҳобалар сўзларидан бошқаларнинг сўзларига ўтаман. Иброҳим Нахаъий, Шаъбий, Ҳасан Басрий ва Ибн Сийрин каби мужтаҳидларга келганда, мен ҳам улар каби ижтиҳод қиламан».

Саҳл ибн Музоҳим: «Абу Ҳанифа ҳар доим энг ишончли ривоятларга таянган, одамларнинг ўзаро муносабатларини тўғри йўлга қўйишга уринган. У қиёсга асосланиб иш олиб борарди. Қиёс ноқулай бўлганда истехсон (энг мақбулини танлаш)га ўтарди. У орқали ҳам муаммо ўз ечимини топмаса, халқ орасида амалда бўлган урф-одатга мурожаат қиларди», – деб таъкидлаган.

Хатиб Бағдодийнинг айтишича, ўртага ташланган масала бўйича саҳоба ва тобеъинлардан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадис мавжуд бўлса, Абу Ҳанифа унинг изидан борарди, бўлмаганда қиёс услубини ўринли ишлатарди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Абу Ҳанифа ўз фикҳий услубида:

1. Қуръони карим. 2. Сунна. 3. Ижмоъ (саҳобалар томонидан бир овоздан қабул қилинган ҳукм). 4. Қиёс (арабча таққослаш, бирор бир масалани Қуръон ва суннадаги ҳукм чиқариш услубига таққослаб фатво чиқариш). 5. Истеҳсон (шариат масалаларига қиёсий татбиқ этишда келиб чиқиши мумкин бўлган хулосалардан мусулмонлар жамоаси учун қайси бири яхшироқ, фойдалироқ, маъқулроқ бўлса, ўшани қўллаш). 6. Урф (маҳаллий халқлардаги мавжуд шариатга зид бўлмаган қадрият, анъана ва урф-одатлар)га асосланиб иш юритарди.

Ҳанафий мазҳабига кўпчилик, жумладан, юртимиз мусулмонлари ҳам эргашиб келишининг сабаблари ҳақида гап кетганда қуйидагиларни таъкидлаш зарур.

Ушбу мазҳаб ўз моҳияти, таълимоти ва қўллаган услуби билан жамиятда юз бериб турадиган ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш имкониятига эга бўлиб, ҳар қандай саволга жавоб топа олади. Бундай имконият шундан келиб чиқадики, ҳанафий мазҳаби янги вужудга келган диний масаланинг ечими Қуръон ва ҳадисда мавжуд бўлмаса, қиёс ва унинг энг муҳим тури бўлмиш истеҳсонга таяниб иш олиб боради. Шунингдек, у урф-одатга катта эътибор қаратади. Бундай услубдан фойдаланиш халқ учун ҳаётий муаммоларни шариат қоидаларига асосланиб ечишда беназир қулайликлар яратиб берди.

Ҳанафийлик илмий асосларга таянган мазҳаб сифатида Аббосийлар давлатининг асосий мазҳаби бўлиб келди. Ундан кейин Қорахонийлар, ўзғанавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, Темурийлар, Бобурийлар, шунингдек, Усмонлилар империясида асосий мазҳабга айланиши унинг ривож ва тарқалиши учун катта имкониятларни юзага келтирди. Ушбу давлатларда, айниқса, Аббосийлар, ўзғанавийлар, Усмонлилар давлатларида суд тизими ривожланди. Тарихчи олим Ибн Обидин таъкидлашича, улардаги барча қози ва шайхул-исломлар ҳанафий мазҳаби вакиллари бўлганлар. Ёзма манбаларда қайд қилинишича, Абу Ҳанифа шогирдларининг сони 882 тага етади. Унинг тўртта буюк шогирди (Абу Юсуф, Муҳаммад ибн Ҳасан, Зуфар ва Абул Ҳасан)дан ташқари, бошқа шогирдларининг кўпчилиги Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эрон ҳудудларида яшаганлар. Улар ушбу мазҳабни ёйиш йўлида катта хизмат кўрсатганлар.

Абу Ҳанифа эркинлик тамойилининг ҳомийси эди, тижорат ва бошқа соҳаларда инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиб келди. Масалан, турмуш қуришда эркак ва аёлга тенг ҳуқуқ берилиб, оқил ва балоғатга етган қиз ва аёлларни ҳеч ким уларнинг

розилигисиз никоҳ қилишга мажбурлай олмайди, никоҳ шартномаси қизнинг валийси (ота, бува, амаки, ака, ука) бўлмаса ҳам унинг ўз сўзи билан боғланади.

Абу Ҳанифа оғир вазиятларда одамлар учун қулай шароит яратиб бериб, кийинчиликларини осон қилишга уринган.

Айтиб ўтилган ва улардан ташқари бошқа кўп қулайликлар ҳанафий мазҳабининг кенг кўламда ёйилишига сабаб бўлиб, кун сайин унинг тарафдорлари сонининг ошиб боришига олиб келди.

Марказий Осиё халқларининг ҳанафий мазҳабига эргашишининг сабаби унда маҳаллий урф-одатлар, расм-русумларга катта эътибор қаратилгани билан ҳам боғлиқ. Кўплаб Марказий осийлик ҳанафий фақиҳлари азалдан анъаналарга бой бўлиб келган ушбу минтақа халқларининг миллий ва маҳаллий удумларини шариат қоидаларига мослаштириб, уларга қонуний тус бериб келдилар. Мазкур ишлар Марказий Осиё халқлари учун мазҳаб вакиллари томонидан яратилган энг муҳим қулайликлар эди.

Исломдаги мистик-зоҳидлик ҳаракатининг пайдо бўлиши VIII асрнинг ўрталари – IX аср бошларига тўғри келади. қўлёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, шу даврдан бошлаб Марказий Осиё минтақасининг Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Насаф (ҳозирги Қарши) шаҳарларида илк суфий-зоҳидлар фаолият олиб борганлар.

Ислом оламининг марказида «Қалблар ва фикрлар» илми (Илм ал-қулуб ва-л-хавотир)га асос солган Ҳасан ал-Басрий (642–728) ва унинг издошлари – басралик Рабоҳ ибн Амр, суфий аёл Робия ал-Адавия, Молик ибн Динор (VIII–IX асрлар) каби тасаввуфнинг илк асосчилари ва намояндалари ҳисобландилар. Марказий Осиё минтақасидан чиққан, бутун ислом оламида катта обрў қозонган назариётчилардан Бухоро яқинидаги Калобод қишлоғида туғилиб, шу ерда дафн этилган Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ал-Калободийни (ваф. 990 ёки 995 й.) зикр этиш ўринли. У Ҳанафий фақиҳи сифатида ҳам маш-хур. Унинг ислом оламидаги энг биринчи тасаввуфий асарлардан ҳисобланган «ат-Та‘аруф ли-мазҳаб аҳл ат-тасаввуф» («Тасаввуф аҳли йўналиши билан танишув») номли асари ҳозирга қадар илк мусулмон тасаввуфи соҳасидаги энциклопедик асар ҳисобланади. Асарда суфийлар қарашлари тизими ва уларнинг амалиётлари анча тўлиқ баён этилган. Айнан шу асарда суфийларнинг баъзи қоидаларини ислом аҳкомлари билан мувофиқлаштиришга ҳаракат қилинади.

Тасаввуф Марказий Осиёда, хусусан, Мовароуннаҳрда ўзига хос тариқатлар кўринишида XII–XIII аср бошларида ривожланди. Унда ўзининг асл руҳий услуби билан махсус марказлар (заввийа, хонақоҳ, рибот) кўринишида мавжуд бўлди. Айни мана шу даврда минтақада энг йирик тариқатлар пайдо бўлди, улар кейинчалик мусулмон оламининг катта қисмига тарқалди. Бу минтақада вужудга келган нақшбандия-

мужаддиция каби тариқатлар ҳозирги даврда ҳатто ғарбий Европа, Япония ва АҚШда ҳам фаолият юритмоқда.

Ҳозир ҳам кенг ўрганилаётган шундай тариқатлардан бири Кубравиядир. Бундай ном унинг асосчиси Нажмиддин Кубро Аҳмад ибн Умар номидан олинган (1145–1221). У Хива шаҳрида туғилган, диний билимларни ўрганган. У узоқ вақт Миср, Эрон каби мамлакатларга саёҳат қилган ва тасаввуф илми билан яқиндан танишган. Унинг суфий устозларидан энг машҳури Исмо‘ил ал-Кисрийдир (ваф. 1193 й.). Кубро ватани Хоразмга қайтгач, ўша даврдаги пойтахт Гурганжда ўзининг хонақоҳи ва кейинчалик Кубравия деб ном олган тариқатига асос солади. Наж-миддин Кубро Гурганжни мўғуллардан ҳимоя қилиш вақтида кўлида қурол билан шаҳид бўлган.

Кубравия таълимотининг ақидаси – суннийлик талабларига амал қилишдир. Ушбу маслакнинг назарий асосини коинотнинг «икки босқичли» – кичик олам ва катта оламдан тузилгани ҳақидаги қоида ташкил қилади. Уларнинг биринчиси «қуйи олам»га тегишли бўлса-да, лекин олий борлиқни, яъни катта оламини ўзида акс эттиради. Бу таълимотга кўра, инсон кичик оламининг асосий қисмини ташкил қилади ва Аллоҳнинг баъзи сифатларини ўзида акс эттира олади ёхуд олий борлиқ ҳақидаги тасаввурларни қабул қила олади, бироқ уларни ўзида англай оладиган киши бу фақат суфий, бевосита шайх кўли остида тасаввуф йўлига эргашган кишидир.

Марказий Осиёда ислом дини таълимоти бағрикенглик тамойиллари асосида ривожланиб борди. Бу ҳолатни тасаввуф тариқатлари ва уларнинг асосчилари илгари сурган ғояларда ҳам кўриш мумкин. Масалан, Кубравия тариқатида «тасаввуф йўлида юриш» қатор мураккаб руҳий-жисмоний машқлардан, қатъий рўза тутиб ва хилватга чекиниб, шайхнинг ихтиёрига тўлиқ бўйсунган ҳолда Аллоҳнинг гўзал исм-ларига (ал-асма‘ ал-хусна) доимо фикрни жамлашдан иборат бўлган. Бу амалиётларнинг барчаси инсоннинг оғир кунда ҳам ўзини тута билиши, яхши хислатларни ўзида мужассам қилиши, ёмон иллатлардан узоқ бўлиш, умуман олганда, маънавий камолотга эришиши – комил инсонни тарбиялашга қаратилгандир.

Кубравияда бажариладиган амалларга мувофиқ тариқатдаги киши бўйсунishi шарт бўлган 10 қоида ишлаб чиқилган: 1. Тавба – дунёвий ҳаёти давомида ўз «Мен»лигидан халос бўлиш, бу орқали кибру ҳаводан узоқлашиш; 2. Зухд фи-д-дунё – дунёдан ва молу мулкдан воз кечиш, солиқ дунёга ҳирс кўйиш, ортиқча бойликка берилишдан узоқлашиш; 3. Таваккул Алаллоҳ – барча ишда Аллоҳга таяниш ва дунёвий ишлардан юз ўгириш орқали киши одамлардан таъмагирлик қилишдан воз кечиш, кўнгил хотиржамлигига эришиш; 4. Қаноат фақат тириклик учун етарли нарсаларга қаноатланиш орқали ўзида борини бошқалар билан баҳам кўриш, очкўзликдан халос бўлиш; 5. Узлат – тўғри ва

рухий маънодаги ёлғизлик. Бунда фақатгина шайх билан мулоқот қилишга рухсат берилган. Киши шу йўл орқали турли йўлдан оздирувчи ғояларга берилишдан чекланган; 6. Мулозамат аз-зикр – Аллоҳ номини доимий равишда ихлос билан ёд этиш (зикр). Бу зикр қалбни поклайди. Аллоҳнинг гўзал исмларини ёд этиш билан инсон шундай хислатлар ўзида ҳам бўлишига интилади; 7. Таважжуҳ илаллоҳ – бутун борлиқ билан то Аллоҳнинг ягоналигини қалб билан ҳис этмагунича Унга юзланиш йўли орқали дунёга кенг назар билан қарашга, оламни борлигича қабул қилишга ўрганиш; 8. Сабр – тасаввуф йўлининг қи-йинчиликларини сабр билан адо этиш йўли билан қийинчиликларни матонат билан енгиб ўтиш кўникмасига эга бўлиш; 9. Мууроқаба – дунёвий истаклардан покланган қалбга мутлақ осойишталик етмагунича ўз-ўзини назорат қилиш; 10. Ридо – барча жисмоний ҳиссиётлардан, ҳатто ўзининг Аллоҳга бўлган севгисидан қаноатланишдан ҳам халос бўлиш. Бундан жисмоний ёки шахсий туйғулар йўқолиб, Аллоҳнинг алоҳида марҳаматига айланади.

Кубравия таълимоти мўғуллар истилосига бардош берган кам сонли таълимотлардан биридир. Қолаверса, Сайф ад-Дин Боҳарзий (вафоти 1363 й.) каби кубравия шайхлари бошқа кўплаб шайхлар қатори мўғул қабилалари ва ҳукмдорларининг ислом динини қабул қилишларида катта таъсир кўрсатганлар. Кубравиянинг мўғуллардан кейинги тарихи анча мураккаб. Тариқат бир неча мустақил шахобчаларга бўлиниб кетди ва Хуросон, Эроннинг ички минтақалари, Ҳиндистонга, тарқалди.

Мовароуннаҳр ва Хоразмда тариқатнинг алоҳида шайхлари то XVI асрнинг бошларигача ҳукмрон сулолалар вакилларида муридларга эга бўлган ҳолда фаолият олиб борганлар. Масалан, машҳур кубравий шайх Ҳусайн ал-Хоразмийга Шайбонийлар сулоласидан бўлган ҳукмдор Убайдуллоҳ хон мурид бўлган, у ўзининг руҳоний устозига атаб шеърлар битган. Худди шу шайх билан Мирзо Заҳириддин Бобур ҳам руҳоний алоқада бўлган. XIX асрга келиб бу тариқатнинг аҳамияти ва роли пасайиб кетди.

Марказий Осиёда шаклланган яна бир машҳур тариқат Хожагондир. Унинг асосчиси – шайх Абдул-холиқ Ғиждувоний ўз она қишлоғи Ғиждувонда яшаган. Хуросоннинг илк тасаввуф тариқати бўлган Маломатиянинг ғоялари Ғиждувонийга кучли таъсир кўрсатган. Унинг бизгача етиб келган «Васият»ида ўз издошларига қаратилган ўта даражада зоҳидлик, ҳокимиятга интилмаслик, барча дунё неъматларидан, шунингдек, бойлик тўплашдан воз кечиш, Аллоҳнинг иродасига таянган ҳолда (таваккул) доимо Аллоҳни ёд этиш (зикр) ва бошқаларга чақириқлар мавжуд. Ўйжудувоний ўз шогирдларига таълим берган зикр – Аллоҳнинг номлари ёки «Ла илаҳа иллаллоҳ» калимасини ичда махфий (ботин, хафий) эслашни ўзида акс эттирган.

Абдулхолик Ғиждувоний томонидан ишлаб чиқилган амалий қоидалар ҳам инсонни баркамоллик сари етаклайди: 1. Хуш дар дам – ўз ишлари ва ҳаракатларида огоҳ ва эҳтиёткор бўлиш, ҳар бир нафасининг Аллоҳни доимий ёд этиб қилинадиган зикрга мос бўлишини назорат қилиш; 2. Назар бар қадам – ҳар қадамда огоҳ бўлиш. Бундай мажозий тавсия дунё истакларидан холи бўлиш, кўзни ўз оёғига тикиш ва номақбул нарсалардан тийилиш ва доимий сукутда бўлишни таъминлайди. 3. Сафар дар ватан – сўзма-сўз «ўз юртида, ватанида сафар қилмоқ». Ушбу тавсия ҳам мажозий маънога эга бўлиб, ёмон сифатлардан яхши сифатлар томон сайр қилмоқни, ёмон йўлбошчидан яхшиси томон бормоқни англатади. Кейинги давр муаллифлари бу қоидага аниқроқ изох берадилар, яъни ўз ватанида сафар қилмоқ ва ўзи яшаб турган ер урф-одати ва дини, шариатини яхши билмоқ; 4. Хилват дар анжуман – жамиятда ёлғизлик. Бу қоида «солик»дан зоҳиран кўпчилик билан, халқ ичида, бозорда, одамлар кўп жойларда бўлиш, ботинан эса Аллоҳ ёди билан ёлғиз бўлиш талаб қилинишини ифодалайди. Бошқа тариқатлар, зоҳидлар ва илк Хожагон суфийларида амалиётда бўлган «халват» мана шу «хилват дар анжуман» қоидасидан келиб чиқиб тақиқланган. Нақшбандия тарафдорлари ушбу тамойилга Қуръони каримдан асос сифатида Нуҳ пайғамбарнинг ўз қавми орасида юриб уларни ёмон ишлардан қайтаргани ва яхшиликка чақирганини далил қилиб кўрсатадилар (Нуҳ, 24–37); 5. Ёд кард – ёдда тутиш. Суфий бир он бўлса ҳам қўймай, Аллоҳни доимо ёдда тутиши лозим, зеро бу ботиний покланишнинг ягона йўлидир.

Мўғуллар истилосидан кейинги даврларда Хожагон бу даражада мушхур бўлмаган, унинг шайхлари ҳам фақат Бухоро атрофларидагина фаолият олиб борган. Тариқат шухратининг ва кейинчалик жуғрофий таъсир доирасининг анча кенгайиши Бухоро яқинидаги Қасри орифон қишлоғида туғилган Баҳоуддин Нақшбанд (1318–1389) даврида юз берди. Тариқатнинг иккинчи номи – Нақшбандиянинг нисбасидан олинган.

Баҳоуддин Нақшбанд Хожагон қоидаларига асосан тариқатнинг расм-русум амалиёти билан боғлиқ яна учта қоида кўшди. Бу тариқат шайхларининг кўпчилик қисми мусиқали махсус рақслар (само‘, рақс)дан узоқ бўлиш ва фақат тинч, ички (хафий) зикр билан шуғулланишни афзал кўрганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд «Дил ба-ёр-у, даст ба-кор» – «Қалб – Аллоҳда, қўл – меҳнатда бўлсин» шиорини олға сурди ва асослаб берди.

Нақшбандия йўлининг назарияси, услублари ва амалиётини биринчи бор ёзма шарҳлаш ва тушунтириб бериш Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирди Муҳаммад Порсо (ваф. 1419 й.) томонидан бажарилди. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётига оид биринчи батафсил биография ҳам Порсо қаламига мансуб. У бу асарда Баҳоуддин Нақшбанднинг «Хожагон йўли»ни шариат билан мувофиқлаштириш борасидаги меҳнатларини ҳам тасвирлаган.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор (ваф. 1489 й.) бу йўналишнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий-маърифий мавқеини тубдан ўзгартириб юборди.

У «Қалбни орттирилган бойликка боғламаслик», доимо қалб зикри билан шуғулланишни унутмаслик, шариат ҳукмларига бўйсуниб, хайрия ва эҳсонлар қилиб туриш шарти билан тижоратда иштирок этишлари, мулкдор бўлишлари мумкинлиги ғоясини илгари сурди.

Хожа Аҳрор ўзининг янги ғояларига ўзи ҳам амал қилган тариқатнинг ижтимоий асосини кенгайтириш воситасида ўзининг, ундан ҳам кўпроқ тариқатнинг обрўсини оширган, бошқача айтганда, тариқатга ҳар қандай дунёвий киши ўзининг кундалик ишлари билан шуғуллангани ҳолда, хоҳ илоҳиётчи олим, савдогар, ҳунарманд ёки оддий деҳқон бўлсин, кириши мумкин бўлган.

Бироқ тариқатнинг дунёвий ҳаёт кечирадиган ҳар қандай аъзосига зикр дарслари, кўшимча «нақшбандийлик» амаллари (нофила) ўргатилган, тариқатнинг ахлоқий меъёрлари, унинг асосий мақсади тушунтирилган. Бундай ёндашув тариқатнинг обрўсини кескин ошириб юборган ва тариқатнинг таъсир доираси ҳамда жуғрофий майдони мисли кўрилмаган даражада кенгайишига сабаб бўлган.

Марказий Осиёда вужудга келган яна бир тариқат – Яссавия бўлиб, унинг асосчиси Хожа Аҳмад Яссавийдир. Баъзи манбаларга кўра, Яссавий Сайрамда, бошқасига кўра, Ясси шаҳрида (ёки унинг атрофида) туғилган ва шу шаҳарнинг ўзида вафот этган. Ясси муғуллардан кейинги даврда Туркистон шаҳри номи билан машҳур бўлган.

Унинг қабри устида Амир Темури буйруғи билан улуғвор мақбара барпо этилган бўлиб, бугунги кунга қадар сақланиб келади. Ушбу мақбара ўрта аср меъморчилигининг, қолаверса, Темури ва темурийлар асрининг беназир санъат асари деб баҳоланишга ҳақли.

Аҳмад Яссавийни манбаларда кўпинча «турк шайх-лари раиси» («машойих-и турк») деб атайдилар. Бу ном, одатда, Аҳмад Яссавий томонидан жорий этилган зикр турини – Аллоҳнинг номини ёки махсус лафзларни овоз чиқариб айтиладиган жаҳрий зикрни қабул қилган шайхларга берилган.

Аҳмад Яссавий «Ҳикмат»ларида Яссавия тариқати тамойиллари акс этган. XV асрдан бошлаб фаолиятининг асосий минтақалари Сирдарёнинг қуйи оқими ва Марказий Мовароуннаҳрда бўлган яссавия шайхлари Нақшбандия тариқати билан рақобатлашган ҳолда минтақа тарихида сезиларли ўрин тутадилар.

«Сулук сирлари»ни узатиш анъанаси яссавияда асосан оғзаки бўлган, шунинг учун ҳам уларнинг адабиётларида илк таълимоти ва амалиётининг ўзига хос тартибга солинган баёнини учратиш мушкул.

Тарикатда (ва унинг барча шахобчаларида) кўпроқ сақланиб қолган асосий қоида – улар таълимотининг таркидунёчиликка асосланган бўлиб, айнан мана шу қоида уларни XV асрдан бошлаб ижтимоий фаоллик тарафдори бўлган накшбандиядан ажратиб турган. Яссавий камтарликка ва ўзини дунёвий фитналардан сақлашга урғу бериб, амалиётда ёлғизлик, жуда кам овқатланиш, руҳий жиҳатдан мутлақо Аллоҳга берилишни афзал кўрган.

Минтақанинг Россия томонидан мустамлака қилинган даврида ҳам суфий гуруҳлари фаол ҳолатда эди. Бу ўринда Андижон вилоятининг жануби-шарқдаги Дукчи Эшон жамоаси фаолияти энг ёрқин мисол бўла олади. Дукчи Эшон жамоаси унинг Мингтепа қишлоғидаги хонақоҳи атрофида тасаввуф тариқатлари ташкилий бирлашмаларининг ўрта асрларда яхши маълум бўлган тажрибаси асосида юзага келган ва ташкилий тизимга эга бўлган. Бундан ташқари, Дукчи Эшон рус мустамлакачиларига қарши кўзғолон уюштиришда ушбу тариқатлардаги ташкилий тизимларнинг муриднинг муридига сўзсиз бўйсунуши каби асосий тамойилларидан фойдаланган.

Зикр ижро этиш қоидаларини ўзлаштириш учун аввалги расм-русум анъаналарини сақлаб қолишга ва тасаввуф ҳақидаги энг умумий тушунчаларни беришга у ёки бу шаклда уринган алоҳида шайхлар ва уларнинг фаолиятини истисно этганда совет даврида тасаввуф тариқатларининг яна пайдо бўлиши, айниқса, тўлақонли фаолият кўрсатиши ҳақида сўз бўлиши ҳам мумкин эмас эди.

Мустақиллик даврида тасаввуф тариқатлари ва уларнинг умуминсоний кадриятлари халқнинг маънавий меросининг бир қисми деб тан олинди.

#### **IV-БОБ. ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР**

*“Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”.*

**Ўзбекистон Республикаси  
Конституциясининг 31-моддаси**

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар масаласи ижтимоий ҳаётда муҳим ва мураккаб масала бўлиб келган. Чунки унинг замирида шахснинг ҳуқуқи, демократия, адолатпарварлик ва инсонпарварлик каби катта ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий тушунчалар ётади. Виждон эркинлиги кишиларнинг руҳий оламига, унинг соғлом ва баркамоллигига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам бу масаланинг ижтимоий

хаётдаги ўрни ва бажарадиган вазифалари ғоят муҳимдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг уставидан тортиб, барча халқаро ҳужжат ва шартномаларда, ҳамма мамлакатларнинг Конституция ва Қонунларида виждон эркинлиги ўз ифодасини топган. 1948 йилда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари умумий декларациясига мувофиқ ҳар бир инсон фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини, ўз дини ёки эътиқодига ўзича, шунингдек бошқалар билан биргаликда амал қилиш кафолатини, ибодат қилишда ва диний маросимларда яқка тартибда ёки одамлар орасида бирга қатнашиш эркинлигини ўз ичига олади.

Бундан ташқари бу масала яна бир мураккаб ҳодисани - турли дунёқараш, эътиқодда бўлган кишилар ўртасидаги, давлат билан дин, диний ташкилотлар билан давлат ўртасидаги муносабатларнинг амалда ҳуқуқий таъминланишини ҳам назарда тутди.

Одамлар доим турли дунёқараш ва эътиқод билан яшаганлар ва яшайдилар. Ҳар кимнинг ўз ички дунёси, ўз эътиқоди бўлади. Виждон эркинлиги қандайдир бир мавҳум тушунча эмас, у албатта маълум ижтимоий вазиятда намоён бўлади. Шунинг учун уни конкрет тарихий, ижтимоий шароитсиз, объектив ва субъектив омилларсиз тасаввур қилиш қийин. Бундан ташқари “виждон эркинлиги” тушунчасини илмий талқин қилишда миллий, мафкуравий ва маданий омилларни ҳам албатта назарда тутиш керак.

Мустақиллик, янгиланиш жараёни ҳамма соҳалар каби виждон эркинлиги, давлат ва дин, динга ишонувчилар ва ишонмайдиганлар ўртасидаги муносабатлар соҳасини ҳам ўз ичига олди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида асрлар оша қарор топган виждон эркинлигига юксак ва самимий ҳурмат ифодаланган. 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 31-моддасида ҳар бир фуқаро учун виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатланади.

Шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, кейинги йилларда давлат билан диний ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда жуда катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Диннинг жамиятдаги ўрни тикланмоқда. Диний уюшма ва ташкилотларнинг фаолият кўрсатишларига имконият яратилмоқда. Қатор тарихий обидалар диний ташкилотлар ихтиёрига ўтказилди, янги масжидлар очилмоқда. Диний ташкилотларнинг халқаро алоқалари кун сайин кенгайиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида виждон эркинлиги принципларини тиклаш ва унга оғишмай амал қилиш давр, кундалик ҳаёт талаби ва заруриятига айланиб қолди. 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунни қабул қилди. 1998 йилда бу қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниб, 15 май куни матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан у кучга кирди.

Мазкур Қонун 23 моддадан иборат. Унинг 1-моддасида ушбу қонуннинг мақсади нималардан иборат эканлиги очиқ ва равшан баён этилган: “Ушбу Қонуннинг мақсади ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъиназар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туришдан иборат”.

Қонуннинг 3-моддаси виждон эркинлиги ҳуқуқи ҳақида бўлиб, унда ҳар бир фуқаро динга муносабатини ўзи мустақил аниқлаши, у ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга эканлиги ва бу ҳуқуқ эса Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси томонидан кафолатланажаги таъкидланди.

4-моддада фуқароларнинг динга муносабатларидан қатъиназар, тенг ҳуқуқлилиги ҳақида сўз боради. Расмий ҳужжатларда фуқаронинг динга муносабати кўрсатилишига йўл қўйилмаслиги таъкидланади.

Виждон эркинлиги ҳақидаги қонуннинг 5-моддасида Ўзбекистон Республикасида дин ва диний ташкилотлар давлатдан ажратилганлиги кўрсатилган. Бу дегани давлат диний масалалар билан шуғулланмайди, диний ташкилот ва диний бошқарма ишларига аралашмайди. Дин ва диний ташкилотлар ҳам давлат ишларига аралашмаслиги лозим. Лекин диний ташкилотлар жамоат ишларида иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шунингдек, мазкур моддада давлат турли диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлаши, конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга, хусусан, бир диний конфессиядаги диндорни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатларга, миссионерликка йўл қўймаслиги таъкидланган.

Диний ташкилотларга Ўзбекистон Республикасида диний характерга эга бўлган партиялар тузиш, республикадан ташқаридаги диний партияларнинг бўлим ёки филиалларини очиш ман этилади.

Диндан Давлатга ва Конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, душманлик, нафрат, миллатлараро адоват уйғотиш, ахлоқий негизларни ва фуқаровий тотувликни бузишда, бўҳтон, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатга, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Терроризм, нарқобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек бошқа ғаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва бошқаларнинг бундай фаолиятлари тақиқланади.

Фуқаролар динга бўлган муносабатларидан қатъиназар, таълимнинг хилма-хил турлари ва даражаларини эгаллаши мумкин. Қонуннинг 9-моддасида кўрсатилишича, диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари руҳонийларни ва ўзларига зарур бўлган диний ходимларни тайёрлаш учун диний ўқув юртлари тузишга ҳақли. Диний ўқув

юртлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхат ўтказилиб, тегишли лицензия олганидан кейин фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Олий ва ўрта диний ўқув юртларида таълим олиш учун фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ умумий мажбурий ўрта таълим олганидан кейин қабул қилинади.

Диний таълим берувчилар махсус диний маълумоти бор кишилар бўлиб, болаларни ўқитиш учун диний бошқарманинг ёки марказнинг рухсатномасига эга бўлиши керак. Хусусий диний таълим беришга йўл қўйилмайди. Бу қонун-қоидаларни бузганлар қонун олдида жавобгардирлар.

Диний ташкилотлар диний таълим олиш учун фуқароларни чет элга юборишлар ва чет эл фуқароларини таълим олиш учун қабул қилишлари мумкин.

*Диний ташкилот* - бу маълум динга ишонувчилар ва уларнинг жамоаларининг уюшмасидир (масжид, черков, синагога, диний ўқув юртлари ва ҳ.к. каби). Уни ташкил этиш учун унга бир хил эътиқодга эга бўлган камида 100 киши аъзо бўлиши керак. Ўзбекистон Республикасининг ҳар қандай фуқароси 18 ёшга тўлганидан кейин маълум диний жамиятга аъзо бўлиши мумкин.

Диний ташкилотлар ўз мулкларига эга бўладилар. Бинолар, дин билан боғлиқ буюмлар, ишлаб чиқариш ва хайрия ишларига мўлжалланган иншоотлар, пул маблағлари ҳамда диний ташкилотлар фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа мол-мулк диний ташкилотларнинг мулки ҳисобланади. Диний ташкилотларга тушадиган молиявий ва мулкӣ хайриялардан, шунингдек фуқаролардан тушган маблағлардан давлат солиғи ундирилмайди.

Ибодат, диний расм-русум ва маросимлар ўтказиш маҳаллий ҳокимият томонидан тақиқланмайди. Қонуннинг 3-моддасида кўрсатилишича, динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинлигини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиш мумкин.

Диний ташкилотлар фуқароларни ишга олишга ҳақлидирлар. Улар давлат, жамоат корхоналари ва ташкилотларининг ишчи хизматчилари билан баравар солиқ тўлайдилар, ижтимоий таъминланиш ва суғурта қилиш хизматларидан фойдаланадилар. Умумий асосда пенсия олишга ҳақлидирлар.

Қонуннинг охириги 23-моддасида “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунни бузган кишилар қонун олдида жавоб беришлари кўрсатилган.

Конституцияда ҳурфикрлилик, виждон ва диний эътиқод эркинлиги масалаларига катта эътибор берилган. Унда диннинг тарбиявий аҳамиятига янада кўпроқ эътибор берилиши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Унинг ҳудудида 14 та диний кофессия вакиллари истиқомат қиладилар. Юқоридаги қонунда келтирилганидек, улар Конституция олдида ҳуқуқ ва мажбурият юзасидан тенгдирлар. Конституциянинг 12-моддасида таъкидланишича, ҳеч қандай мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас. Шунга кўра, ҳеч қандай кофессия бошқаларидан устун деб қаралиши ёки уларга ўз таъсирини ўтказиши мумкин эмас.

## **V-БОБ. ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ УНГА ҚАРШИ КУРАШИ.**

Сўнгги даврларда ислом дини тарқалган мамлакатларда миллий мафкура ва диний ғоявий соҳаларда ижтимоий фикрни кўпроқ экстремистик моҳиятга эга бўлган ғоялар эгаллаб бормоқда. «Экстремистик» сўзи «ақл бовар қилмас даражада», «ҳаддан ошиш» маъноларини билдиради. Жамиятда қабул қилинган қадриятлар ва меъёрларга зид қарашларни илгари суриш, кескин қарашлар ва чораларга мойиллик экстремизмнинг асосий хусусияти ҳисобланади.

Экстремистик ташкилотларга янги аъзоларнинг қўшилиши, кўпинча, динга киритиш, қабул қилишдек шаклу шамоийил касб этади ҳамда бир қанча танлов ва синов босқичларини ўз ичига олади. Экс-тремистик ҳаракатларнинг энг қуйи табақаси кўпинча сиёсий тусга эга бўлмаган, майда зўрлик ва жиноятлар содир этадиган унсурлар билан боғлиқ бўлади. Бундай зўрликнинг сиёсийлаштирилиши терроризм томон қўйилган биринчи қадам бўлади. Ўз доирасига янги кимсаларни тортар экан, экстремистик гуруҳ ёки унинг раҳбарияти сўзсиз бўйсунитиши ва «иш»га мутаассибона садоқатни талаб қилади. Кейинроқ эса ёлланувчилар «ҳамма нарсани билувчи» ва уларга йўлбошчилик қилувчи сарбонга дуч келадилар.

Ҳозирги даврда энг аввало ахборот чегараларининг барҳам топишида ўзлигини намоён қилаётган глобаллашув шароитида ва бир пайтлар халқаро муносабатлар мазмунини белгилаган икки қарама-қарши куч – социализм ва капитализм ўртасидаги ўзаро курашнинг барҳам топиши натижасида экстремизм ва ундан ўсиб чиққан терроризм мамлакатлар, минтақалар ва умуман дунё хавфсизлигига асосий таҳдид сифатида биринчи ўринга чиқди. Кўпоровчилик фаолиятининг турли кўринишларини ўз ичига олган инфраструктурани шакллантирган ва ривожлантирган мазкур икки дунёқараш ўртасидаги

кураш ҳозирда турли хил кучларни бирлаштирган кўп кутбли дунёнинг мазкур инфраструктурага қарши курашидек шакл-шамойил касб этмоқда.

Бугун экстремизм анархизм ва фашизмнинг архаик шакллари билан қоришмаси ҳисобланган ва омманинг кенг қатламлари билан боғловчи халқ сифатида ислом шиорларидан усталик билан фойдаланадиган, аслида эса халқ билан ҳеч қандай алоқаси йўқлигини моҳирона яшира оладиган ҳолат касб этди. Ўз вақтида, XX асрнинг 70-йилларида, экстремистлар халқ билан биргаликни кўрсатиш ва унинг номидан ҳаракат қилиш учун коммунизм шиорлари остида фаолият юритиши ва шу йўл билан маблағ тўплаши қулайроқ эди. Ўша йилларда Лотин Америкасида экстремистик руҳдаги коммунистпараст тузилмаларнинг жангарилари жамиятда парокандаликни юзага келтириш ва тартибсизлик тўлқинида коммунистларнинг ҳокимиятни қўлга олишига шароит яратишга қаратилган кўплаб террорчилик хуружларини содир этардилар. Бирок аксарият ҳолларда, улар ҳокимиятни қўлга олиш ниятларига эриша олмадилар ва жамият аъзолари диққатини жалб қилиш мақсадини кўзлаган шов-шувли террорчилик хуружларини амалга ошириш билан қаноатланишга мажбур бўлдилар.

Экстремистик тузилмаларнинг асосий мақсади аслида жамиятни қўрқув ва ваҳимада тутиб туриш ва шу йўл билан омма онгида ноиложлик, эртанги кунга ишончсизлик туйғуларини шакллантиришга қаратилган эди. Бу эса ўз навбатида, ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида барқарорликка эришишни ва жамият тараққиётини жиддий қийинлаштирар эди. Шу билан биргаликда, баъзи ҳолатларда маълум бир экстремистик ташкилотлар ва алоҳида давлатларнинг стратегик ҳамда тактик мақсадлари ўзаро бир-бирига мос келганида, ўша давлатлар экстремистик ташкилотларга “ҳомий”лик қилиши ва беқарорликдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга уринишлари мумкин.

Экстремистик қарашларни барча диний таълимотлар доирасида учратиш мумкин. Масалан, мутахассислар католик черковининг эркин фикр юритувчи, ҳукмрон феодал-католик черкови ақидаларини рад этувчи кишилар – папа ҳокимияти душманларини таъқиб қилиш учун XIII асрда тузилган ва минглаб одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган инквизиция фаолиятини ҳам экстремизмнинг ўзига хос кўриниши сифатида баҳолайдилар. Шундай экан, экстремизмни фақат муайян дин билан боғлаш мутлақо асоссиздир. Хусусан, ислом дини, турмуш тарзи ва қадриятлар мажмуи сифатида ҳеч қачон экс-тремистик тузилмаларнинг гўёки, дин ва мусулмон жамоаси равнақи йўлида амалга ошираётган террорчилик хуружларининг асосий сабаби сифатида қаралиши мумкин эмас.

Ислом шиорларидан танлаб фойдаланадиган, диннинг асл моҳиятини бузиб талқин қиладиган экстремистик тузилмалар худди юқоридаги каби кенг халқ оммаси билан узвий бирлик мавжудлигини кўрсатиш, аслида эса жамиятда тартибсизлик ва парокандаликни юзага келтириш учун маблағ йиғиш, асосий таҳдид манбаи сифатида одамлар онгу шуурини эгаллаш, жамиятда беқарорлик келтириб чиқариш орқали ҳокимиятга эришишдек эҳтиёжларини қондириш мақсадини кўзлайди.

Шуниси диққатга сазоворки, экстремистик руҳдаги тузилмаларнинг ҳеч бири бирор бир шаклда ўзлари жар солаётган, ўзлари «интилаётган» жамият қурилиши моделини таклиф этолмайди.

Ҳозирги даврда кўплаб экстремистик уюшмалар ва ақидапарастлар турли динлар, шу жумладан, христианлик, ислом, яҳудийлик динлари таълимотидан фойдаланмоқдалар. Шу билан бирга, диний риторика уларга кўзда тутилаётган жамиятнинг аниқ шаклу шамойилини тақдим этмаган ҳолда (бу улар учун худди анархистлар каби унчалик аҳамиятга эга эмас) хаёлий жамият ҳақидаги тасаввурлардан фойдаланиш имконини беради. Бунда энг муҳими тартибсизлик ва беқарорликни келтириб чиқаришдир. Унга эришиш эса, ўзига хос энг умумий мақсадни ташкил этади, дейиш мумкин.

Ноқонуний қурол-яроғ савдоси ва нарқобизнес ҳисобидан катта маблағлар тўпланаётган, мусулмон дунёсида шаклланган ўзига хослик туфайли юзага келган вазиятда исломни шиор қилиб олган экстремизм ва терроризм хавфсизликка асосий таҳдид сифатида биринчи ўринга чиқди.

Шуни ҳам тан олиш керакки, оммавий ахборот воситаларининг ривожини ва ахборот омили таъсирининг кучайиши бугунги кунда экстремизм ва терроризмнинг ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган даражада кўзга ташланадиган ижтимоий ҳодисага айланишига олиб келди. Хусусан, нарқобизнесдан келадиган фойдага ва сохта инқилобийликни кўллаб-қувватлашга қаратилган социалистик тузум ёрдамига таяниб, XX асрнинг 70-йилларида лотин-америкалик экстремистлар кўплаб террорчилик ҳаракатларини содир этган бўлсалар ҳам, оммавий ахборот воситаларининг ўша пайтдаги ривожланганлик даражаси уларга глобал миқёсга чиқиш имконини бермаган эди. Бундай вазиятда Лотин Америкаси экстремизми минтақавий даражадан ташқарига чиқа олмаган.

Экстремизм ва терроризм оммавий ахборот воситалари орқали ёритилмас экан, кўзланган «самарани» бермайди. Шу маънода улар ўзаро боғлиқдир. Террорчилик хуружи оммавий ахборот воситаларида қанчалик кенг ёритилса, ушбу ҳаракатни содир этишдан қутиладиган натижа шунчалик бевосита ва юқори бўлади. Бу эса у ёки бу ҳаракатни ўтказишдан кўзланадиган асосий мақсад ҳисобланади. Ахборот майдони ривожланиб, тобора тўйиниб бораётган, аммо уни етказишда ҳам мазмунан, ҳам шаклан,

Ўзибўларчилик устуворлик қилаётган ҳозирги даврда ОАВ экстремизм ва терроризм кўлидаги кучли қуролга айланиб қолмоқда. Тўғри, ОАВ ўз ҳолича террорчилик хуружининг «самарадорлигини» англаган ҳолда ташкил этадиган тизим ҳисобланмайди. Аммо аксарият ҳолларда бунга кўмаклашмоқда, дейиш мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, тарихий, диний ва миллий хусусиятлар аҳолининг кенг қатламлари билан мулоқот тили ва ундаги ўзига хос урғуларни танлашда муҳим ўринни эгаллайди. Табиийки, ҳозирги даврда Марказий Осиё минтақасида коммунистик ёки насронийлик эмас, балки айнан ислом ширларидан фойдаланилади.

Марказий Осиё минтақаси ўз тарихида ислом ривожига ҳеч қандай ақидапарастлик ва жангарилик унсурларини олиб кирмаган. Аксинча, минтақада ислом дини ёйилган вақтдан то бугунги кунгача инсонпарварлик ва бағрикенглик анъанаси устувор бўлиб келмоқда. Ўрта асрларда Араб Шарқида айрим суфий бирлашмалари жанговарликни намоён қилган ҳамда инквизиция ва жазолаш тузилмалари вазифаларини бажарган вақтда ҳам Марказий Осиё суфийлигида инсонга муҳаббат ва бағрикенглик тарғиб қилинар эди.

Айни пайтда, барча даврларда у ёки бу этник гуруҳга мансублик боғловчи (бирлаштирувчи) омил сифатида муайян вазифани бажаргани учун ҳам Марказий Осиёда қарор топган ислом дини миллийликдан холи эмаслигини намоён этганини таъкидлаш зарур. Шунинг учун ҳам, XX асрнинг бошларидаги араб модернистларидан фарқли равишда жадидлар ундан йироқлашиб, ўз кучларини биринчи навбатда ҳам диний, ҳам миллий онгни ўстиришга сарфлаган эдилар.

Ўрта асрларда Марказий Осиёдаги диний бағрикенглик, инсонпарварлик майллари, фан ва санъатнинг ривожланиши Араб Шарқида қаршилиқни келтириб чиқарди. Натижада XIII–XIV асрларда бугунги кунда тузилмаларини шакллантираётган экстремистлар ғоявий жиҳатдан таянаётган ақидапараст салафийлик оқими юзага келди.

Ибн Таймийя бошчилигидаги салафийлар Марказий Осиё мутафаккир, олим ва уламоларини «ислом моҳиятини сохталаштириш»да айблаб, халифалиқни идеаллаштиришга асосланган қарашлар тизимини ишлаб чиқдилар ва жиҳодни унга эришишнинг асосий воситаси сифатида эълон қилиб, ўз ғояларига жанговарлик тусини бердилар. Шундай қилиб, салафийлик ҳокимият учун курашнинг маҳсули эди. Шу тариқа, XVIII асрнинг биринчи ярмида Муҳаммад Абдул Ваҳҳоб салафийлик асосида Арабистон ярим оролида ҳокимият учун кураш олиб боришга мослаштирилган ваҳҳобийлик таълимотини яратди.

Янги давр Араб Шарқидаги мутаассиб оқимлар дастлаб салафийлик ва ваҳҳобийликка асосланган бўлсалар-да, кейинроқ улардан ҳам илгарилаб кетдилар. Бу

тузилмаларнинг ғоявий дастури «ихвонийлик» ва «жиход»га асосланган бўлиб, кўп сонли жангарилик уюшмаларига ғоявий озуқа бериб келмоқда.

1928 йилда Мисрнинг Исмоилия шахридаги мактабда мударрислик қилган, суфийликнинг хасафия мактабига мансуб бўлган Ҳасан Абдурахмон ал-Банно мусулмон оламини тозалаш ва мусулмон аҳоли яшайдиган мамлакатлар ҳудудида ислом давлатини куришдек вазифаларни ўз олдига қўйган «Мусулмон биродарлар» уюшмасини тузди. Барча мусулмон ва номусулмон ҳукуматларга қарши жиҳод – ялпи уруш эълон қилиш ушбу мақсадга эришиш йўли сифатида белгиланган эди. Ал-Банно ўзининг «Фаннул-мавт» («Ўлим санъати») китобида мавжуд ҳукуматларни йўқ қилишга эришиш йўллари асослаб берди ва илк марта ўзини ўзи қурбон қилиш шаклида жангарилик амалиётини тайёрлаш ва амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятни оқлаб фатво берди.

Ҳаракатнинг юзага келиш шарт-шароитлари, тарихий вазият ва ўша даврда Мисрдаги сиёсий кучларнинг нисбатини ўрганиш кўплаб тадқиқотчиларга унга моҳиятан терроризмга асосланган, троцкийча узлуксиз инқилоб ғоясига амал қилган Коминтерннинг барқарор таъсири бўлганини қайд этиш имконини берган эди. Мусулмон Шарқида коммунистпараст гуруҳларни шакллантириш учун шароитнинг етарли эмаслиги Коминтерн фаолларининг террор услубларини тарғиб қилиш, уни экспорт қилиш ва исломий ташкилотларни ўзларининг сиёсий кураш усуллари билан қуроллантириш орқали жамиятни беқарорлаштиришдек вазифани ҳал қилишга интилишларига йўл очди. Улар бу йўлда муайян муваффақиятга эришдилар ҳам.

Бундан ташқари, фашистлар Германияси эмиссарлари фаоллиги билан боғлиқ кизиқарли маълумотлар ҳам мавжуд. 1940 йилда Ҳасан ал-Банно «Мусулмон биродарлар»нинг асосий вазифаси террорчилик ҳужумлари уюштириш бўлган «махфий аппарат»ни тузади. Шуниси эътиборга моликки, у томонидан уюштирилган айрим жанговар операциялар фашистлар ҳомийлик қилган «Маср ал-Фатот» ташкилоти ёрдамида амалга оширилган. Шу йилларда «Мусулмон биродарлар»нинг Суриядаги бўлинмаси ҳам жангариларнинг шунга ўхшаш тизимини яратди. Уларнинг Сурияда ўтказган жанговар амалиётлари эса фашистлар ҳомийлик қилган Антуан Сааде бошчилигидаги Сурия Миллатчилик партияси жангарилари томонидан қўллаб-қувватланган.

150 киши атрофида бўлган «махфий аппарат»даги жангарилар бешликларга бўлинган ҳолда махсус тайёргарликдан ўтганлар. Тайёргарлик жараёнида жангариларнинг иродасини Олий нозирга бутунлай бўйсундириш, шу орқали уларни ал-Баннонинг «Фаннул-мавт» китобида тушунтирилган усулларда ўзини қурбон қилишга тайёрлаганлар. Ал-Баннонинг юз йиллар давомида яширин фаолият кўрсатиш ва маънавий раҳбар

иродасига сўзсиз бўйсунтириш тизимларини ишлаб чиққан суфийликнинг хасафия мактабига мансуб эканини ёдга оладиган бўлсак, бундай технология қаердан ўзлаштирилгани ойдинлашади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, жангарилар асосан ўз фикрида собит бўлмаган, қатъиятсиз кишилардан тайёрланадилар. Чунки бундай шахслар ўзининг кимлигини кўрсатиш учун кескин, оқибати пухта ўйланмаган қарорлар қабул қилишга мойил бўладилар.

Шундай қилиб, ислом байроғи остида фаолият кўрсатаётган замонавий экстремизмнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини тарихнинг муайян даврида устувор бўлган кўплаб омиллар, турли жараёнларнинг ўзаро таъсирлашувининг натижаси деб тушуниш мумкин.

Турли салбий жараёнларнинг омухталашуви ислом риторикаси билан қўшилган ҳолда кейинчалик икки система ўртасидаги курашда умумий беқарорлаштирувчи восита сифатида қўл келди. Уларнинг ҳар бири ўз мақсад ва манфаатларидан келиб чиқиб уни молиялаштиришга, керакли йўналишга солишга ҳаракат қилиб келди. «Мусулмон биродарлар» ўз ташкилотларини ривожлантириш учун Британия ҳукуматидан маблағлар олиб тургани тарихдан маълум. Бу вақтда британияликлар улардан араб давлатлари сиёсий саҳнида фаолият юритаётган бошқа кучларга қарама-қарши куч сифатида фойдаланишга интилар эди. Бироқ шунга ўхшаш ҳолатларда бўлганидек «биродарлар» бу маблағлардан террорчилик хуружларини амалга оширишда, жумладан, британиялик фуқароларнинг ўзларига ҳам ҳужумлар уюштиришда фойдаланганлар.

Кейинчалик «биродарлик» асосида кўплаб экстремистик ва террорчилик уюшмалари вужудга келди. Дастлабки ақидапарастлар Ҳасан ал-Банно, Мустафо ас-Сибойи ўрнига келган Саид Қутб, Муҳаммад ўаззолий, Умар ат-Тилмисани, Салоҳиддин Ашмавий, Али Баёнуний каби шахслар ушбу тузилмаларнинг фаолияти янада агрессивроқ бўлишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

1953 йилда «Мусулмон биродарлар» уюшмасининг бир гуруҳ аъзолари Иорданияда «Ҳизб ат-таҳрир ал-исломий» номли янги партияни тузади. Бу партияни Такиюддин Набахоний ал-Фаластиний бошқаради. Партия ўз олдида барча мусулмон давлатлари ҳудудида ягона ислом давлати – «халифалик» тузиш мақсадини қўяди. Моҳиятан «Мусулмон биродарлар»дан унчалик фарқ қилмаган ушбу партия ўз ҳаракатларини у билан мувофиқлаштирган ҳолда олиб борди ва террорчи тузилмаларга мунтазам равишда жангариларни тайёрлаб бериш вазифасини бажара бошлади. Худди «биродарлар» билан бўлганидек, махсус хизматлар бозорида жангариларга талаб бўлмаган ҳолларда партия ўзи тўғридан-тўғри кўпорувчиликни амалга ошира оладиган

уюшмалар тузади. Бу охир-оқибатда «биродарлар» бор жойда ҳизбутчилар, ҳизбутчилар бор жойда «биродарлар»нинг фаолият кўрсатмаслигида намоён бўлган таъсир доирасини бўлиб олишдек амалиётнинг шаклланишига олиб келди.

Дунё бўйича фаолият олиб бораётган бундай қудратли ташкилотлардан мунтазам равишда кичик террорчи уюшмалар пайдо бўлиб туради. XX асрнинг 70-йиллари бошидан мусулмон оламида «Жунуллох», «Жиход», «ал-Жиход ал-исломий», «Шабоб-Муҳаммад», «Ал-такфир вал-ҳижра» ва бошқа ташкилотлар фаолият олиб борди. Уларнинг кўпчилиги ҳозир ҳам бор бўлса-да, бугун юқорида қайд этилган ташкилотлар аъзоларининг энг фаол қисмини ўзида тўплаган ва халқаро тармоқ сифатида фаолият юритаётган «ал-Қоида»нинг бир қисми сифатида иш олиб бормоқда.

Лекин янги шароитда «ал-Қоида» муҳим бир хусусиятга эга, яъни у экстремистик ташкилотларни молиялаштириш ва ривожлантириш билан шуғулланадиган жангарилар ва экстремистларнинг хизматлари бозори сифатида таркиб топди.

Ушбу ташкилот «ал-Қоида» етакчиларининг кам-кўстсиз яшаши, кўпорувчилик операцияларини амалга оширувчи улкан машинанинг доимий фаолият кўрсатишини таъминлаш учун нарқобизнес, киднеппинг (товон олиш мақсадида кишиларни гаровга олиш), бой мусулмон оилаларидан қўрқитиш орқали пул ундириш ва бошқа кўплаб манбалар ҳисобига молиявий маблағлар йиғади.

Шу ўринда жангарилар хизмат бозорида касбий маҳоратга эга мутахассисларнинг пайдо бўлиши XX асрнинг 90-йилларида терроризмнинг беқиёс даражада авж олишига замин яратганини таъкидлаш зарур. Гап шундаки, совуқ уруш тугаши билан малакали мутахассисларнинг бир қисми ўз давлатларида ишсиз ва эътиборсиз қолдилар. Бу уларни катта маблағларга эга эксперт ва ёлланма жангчилар бозорига етаклаб келди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан гиёҳванд моддалар савдоси янги даражага кўтарилдики, бу ўз навбатида террорчилик хуружларининг фаоллашувига олиб келди.

Юқорида таъкидланганидек, ҳозирда шундай ҳолат юзага келдики, терроризмга қарши турган кучлар ўз вақтида икки кутбга мансуб мамлакатлар узоқ йиллар давомида яратган улкан аждаҳо билан курашмоқдалар. Жангариларни ёлловчи кишилар шакли шамойили номаълум халифалик (ёки коммунизм)ни қуриш йўлида ўзини ўзи қурбон қилиб, кўпорувчиликларни амалга ошираётган кишилар онгини эгаллаган ғояларга мутлақо бефарқдирлар. Ёлловчи экспертлар ҳеч қачон жанговар ҳаракатларда шахсан иштирок этиб, ўзларини қурбон қилмайдилар. Ҳар доим сояда қолган ҳолда, улар террорчиликни нарқобизнес билан қўшиб, амалга ошириладиган ҳаракатлар кўлами ва терроризмни тайёрлайдиган тармоқларни жиддий кенгайтиришга эришдилар. Улар мавжуд экстремистик тузилмалардан мазкур соҳадаги хизматлар бозорини

ривожлантиришда ҳам усталик билан фойдаланмоқдалар. Бу бозор эса, уларнинг хизматларига доимий талабни юзага келтирадиган, баъзан «ал-Қоида» ва унинг тузилмаларини ҳам хоҳлаган мақомга соладиган асосий бузғунчи бўғин сифатида чиқмоқда.

Марказий Осиёдаги экстремистик оқимлар XX асрнинг 70-йиллари охири 80-йиллари бошларида хорижий экстремистик марказлар, айниқса, араб экстремистик ташкилотлари саъй-ҳаракатлари билан шакллана бошлаган эди. Уларнинг асосий нияти собиқ СССРнинг мусулмон аҳоли яшайдиган республикаларини ўз мақсад-интилишлари доирасига тортишдан иборат эди. Бундай мақсад, яъни сохта инқилобни экспорт қилиш ғояси ўша асрнинг 30-йилларида Ҳасан ал-Банно томонидан баён этилган эди. Натижада Марказий Осиё республикаларида хориждан келаётган молиявий ёрдам ҳисобига жангари сифатида фойдаланиладиган шахсларни танлаш ва тайёрлаш билан шуғулланадиган тизимни яратган гуруҳлар пайдо бўлди.

Уни яратиш чоғида чет эллик йўриқчилар раҳбарлиги ва маҳаллий кучлар иштирокида минтақада беқарорликни келтириб чиқариш орқали Марказий Осиёни жангарилар тайёрловчи, катта маблағлар келтирадиган наркотик моддалар ишлаб чиқариш йўлга қуйилган жойга айлантиришдек мақсад кўзланган эди.

Марказий Осиё республикалари мустақилликка эришган 1990 йилларнинг бошларида бу гуруҳлар фаоллашиб кетдилар. Хусусан «Ислом лашкарлари», «Тавба», «Адолат» гуруҳлари Фарғона водийсида беқарор ҳолатни юзага келтириш учун ҳаракат қилдилар.

Бироқ Ўзбекистон давлатининг қатъий қаршилиги, ички ва ташқи сиёсатдаги изчиллик, халқнинг мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатларни қўллаб-қувватлаши, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида олиб борилаётган ислохотлар экстремистларнинг саъй-ҳаракатларини йўққа чиқарди. Экстремистларнинг бир қисми Ўзбекистон ҳудудидан чиқиб, аввал Тожикистон, кейин эса Афғонистондаги жангарилар сафига қўшилиб кетдилар.

Марказий Осиёдаги гуруҳлар асосида юзага келган ва ўзини «Ўзбекистон ислом ҳаракати» деб номлаган тузилма 1990 йилларнинг ўрталарига келиб, анча бақувват бўлиб қолган «ал-Қоида» таркибига кирди. Аксилтеррор коалицияси томонидан Афғонистонда ўтказилган амалиётлар вақтида уларнинг асосий қисми йўқ қилинди.

Ҳозирда бу тузилманинг қолдиқлари Покистон билан Афғонистон ўртасидаги чегарадош ҳудудларда тўпланиб, «ал-Қоида» ва унинг тарафдорлари ёрдамидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш учун Ўзбекистондаги ҳизбут таҳрирчилар билан

алоқаларни тиклаш, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва шу йўл билан яна фаоллашаётганликларини кўрсатишга ҳаракат қилмоқда.

Терроризм – жамиятда беқарорлик келтириб чиқариш, аҳолининг кенг қатламларида ваҳима ва қўрқув уйғотишга қаратилган сиёсий курашнинг ўзига хос усулидир. У яширин (конспиратив) руҳдаги ташкилотлар томонидан беқарорлик келтириб чиқариш орқали давлат ҳокимиятини эгаллаш мақсадида қўлланилади. Террорчи уюшмалар оммавий бўла олмагани учун ҳам кўп ҳолларда аҳолининг кенг қатламлари номидан ҳаракат қилиш таассуротини уйғотиш мақсадида диний шиорлардан ниқоб сифатида фойдаланадилар.

Терроризмнинг энг асосий хусусиятларидан бири бундай ҳаракат тарафдорларининг «зўрлик давлатни қулатувчи ва ҳокимиятга эришишни осонлаштирувчи парокандаликка олиб келади», деган ғояга асосланиб ҳаракат қилишларида яққол кўринади. Терроризмнинг яна бир хусусияти ҳеч қандай уруш бўлмаётган, тинчлик ҳукмронлик қилаётган, жамиятда демократик институтлар фаолият кўрсатаётган бир шароитда муқобил усулларни атайин инкор этган ҳолда, сиёсий масалаларни зўрлик йўли билан ҳал қилишга интилишда кўринади. Бундай сиёсий масалалар ўз навбатида ҳудудий, этник, диний ёки бошқа шаклу шамоийил касб этиши мумкин. Маълумотларга кўра, 2000–2006-йиллар орасида дунёнинг 112 мамлакатида 14 минг 934 та террорчилик амалиёти содир этилган. Уларнинг мутлақ кўпчилиги Ер юзининг турли минтақаларида жойлашган, ўзига хос этник, диний ёки бошқа шаклдаги муаммолар мавжудлиги билан ажралиб турадиган Ироқ (4606), Иорданнинг ғарбий қирғоғи (1927), Колумбия (1135), Испания (732), Таиланд (619), Афғонистон (591), Ҳиндистон (509), Покистон (504), Туркия (477), Исроил (463), Франция (446), Непал (379), Россия (284), Греция (230), Филиппин (213), Индонезия (197), Шри-Ланка (131), Италия (125) ва Бангладеш (111) ҳудудларида амалга оширилгани ҳам шундай ҳулоса чиқариш имконини беради.

Америкалик мутахассис Б.Женкинс терроризмни энг аввало, қурбонлардан кўра гувоҳларга қаратилган ва ваҳима уйғотишга йўналтирилган зўрлик, деб баҳолайди. Бошқа бир америкалик сиёсатшунос Ж.Ложнинг таърифига кўра, терроризм бевосита қурбонлардан кўра кўпроқ одамлар фикрига таъсир ўтказиш учун қилинадиган таҳдид ёки куч ишлатишдир.

Бу таъриф ва баҳоларда терроризмнинг ниҳоятда муҳим бир хусусияти – унинг муайян сиёсий мақсад ёки амалий натижаларга эмас, балки у ёки бу ҳуруж натижасида одамлар орасида, ижтимоий фикрда юзага келадиган хавотирли акс-садо, шов-шувга эришишга қаратилгани таъкидланган. Худди шу маънода, алоҳида олинган ҳар бир

террорчилик хуружининг мақсади экстремистларнинг давлат тўнтаришини амалга ошириш, фуқаролар урушини келтириб чиқаришдек сиёсий вазифалар билан бир-бирига мос келавермаслиги олдиндан маълум. Кейинчалик, амалда, бу номувофиклик террорчилар жар солаётган мақсадлар билан улар эришаётган натижалар ўртасидаги зиддиятга айланади.

Бугунги кунда террорчилик услублари анча кенгайганини таъкидлаш зарур. 1970-йилларда бирор шахс ёки сиёсий арбобга қарши уюштирилган террор амалиёти кўпроқ учраган бўлса, ҳозирда жамоат жойларида, самолёт, автобус, поездларда портлашларни содир этиш орқали кўплаб тасодифий кишиларнинг қурбон бўлишига олиб келадиган кўпуровчиликни амалга оширишга эътибор берилмоқда. Экспертларнинг фикрича, бундай ҳаракатлар биринчи навбатда нобуд бўлганлардан кўра, унинг гувоҳларига қаратилгандир.

Шунинг учун ҳам, ОАВ террорчиларнинг ўз мақсадларига эришишларида асосий қуролга айланиб бормоқда. Киднеппинг ёки гаровга олиш ҳам моҳиятан ўзгариб бормоқда. Авваллари гаровга олишдан мақсад пул ундириш бўлган бўлса, ҳозирда террорчилар асосан халқаро муносабатлар соҳасида ва мамлакатда беқарорликни келтириб чиқаришга мўлжаллаган сиёсий мақсадларига эришишни кўзлайдилар. Шу билан бирга, бу жараённинг ОАВ орқали кенг ёритилиши ва омма онгида хавотирли акс-садо беришига эришиш орқали гуруҳнинг жамият олдида танилиши ҳам ҳисобга олинади. Бундай ҳаракат замирида, аслида террорчиларнинг ожизлиги намоён бўлишини кўриш мумкин. Чунки жамиятда овоза бўлишга интилиш, одамларда кўрқув ҳиссини уй-ғотиш йўли билан ташкилот ўзининг бош мақсадига эришмоқчи бўлади. Шунинг учун ҳам, таъсир ўтказиш орқали хулқини моделлаштириш ва фаоллигини бошқариш мумкин бўлган руҳий ожиз ва қарашларида собитлик йўқ кимсалар ижрочи сифатида чиқадилар.

Халқаро терроризм тушунчаси давлатлар, халқ-аро ташкилотлар, сиёсий партия ва ҳаракатларни беқарорлаштиришга қаратилган сиёсий кўпуровчилик фаолиятини ифодалайди. У алоҳида сиёсий арбобларни ўлдириш ёки уларга қасд қилиш орқали халқаро ижтимоий-сиёсий акс-садо берадиган бузғунчи сиёсий ҳаракатларни ифодалаш учун ҳам ишлатилади.

Террорчилик ҳаракатларининг:

- халқаро ҳуқуқ ҳимоясидаги объект ёки субъектларга қарши қаратилгани;
- давлатлар чегараларини бузиш орқали амалга оширилиши;
- аъзолари икки ёки ундан ортиқ давлат фуқаролари, шу жумладан, ёлланма шахслар бўлган экс-тремистик гуруҳлар томонидан содир этилиши;

– экстремистик гуруҳлар таркибида қўпоровчилик ҳаракатлари бўйича хорижлик йўриқчиларнинг қатнашиши;

– экстремистик гуруҳ аъзоларининг бошқа давлатлар ҳудудида ташкил этилган махсус лагерларда тайёргарлик кўриши;

– тайёргарлик кўриш ва қўпоровчиликни содир этишда хорижий давлатлар ва экстремистик уюшмалар ёрдамидан, халқаро тус олган ноқонуний қурол-яроғ савдоси ва нарқобизнесдан келадиган молиявий манбалардан фойдаланилиши унинг халқаро террорчилик хуружи эканини кўрсатувчи асосий белгилардан ҳисобланади.

Муайян мамлакат ҳудудида содир этилган террорчилик хуружида қайд этилган у ёки бу белгиларнинг бўлиши, унга халқаро мақом берилиши ва шундан келиб чиқиб, унга мос чоралар кўрилишига олиб келади.

Замонавий терроризм хилма-хил молиявий манбалардан озиқланиши ҳисобига фаолият камровини кенгайтиришга, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Бунда, шартли равишда ички ва ташқи манбаларни ажратиш мумкин.

Ички манбалар сирасига террорчи ташкилотларнинг очик, расмий фаолият юритувчи тузилмаларидан келадиган даромадини ҳамда жиноий йўл билан топилган ва уюшма аъзоларининг бадал тўлаши ҳисобига олинган маблағларни киритиш мумкин.

Ҳомий давлатлар, турли диний, хайрия ташкилотлари ва алоҳида шахслар, шунингдек, Яқин Шарқ ва араб давлатларидаги баъзи ижтимоий гуруҳлар томонидан мақсадли йиғиладиган пуллар террорчи гуруҳларнинг ташқи молиявий манбаи ҳисобланади. Соҳа мутахассислари ва айрим тадқиқотчилар фикрича, бугунги кунда фаолият кўрсатаётган қарийб 150 та ноҳукумат исломий ташкилотлари жангарилик амалиётларини молиялаштиришда гумон қилинмоқда.

Террорчи гуруҳларга кўрсатилаётган молиявий ёрдам кўламини биргина МДҲ мамлакатлари ҳудудида фаолият юритувчи террорчи ташкилотларга 60 га яқин диний ташкилотлар, 100 га яқин хорижий компания ва ўнлаб банклар ҳомийлик қилаётганида ҳам кўриш мумкин.

Террорчи гуруҳлар ҳозирда ўз молиявий манбалари билан банк тизими имкониятлари ва замонавий технологиялардан фойдаланган мураккаб алоқа тизимларини шакллантиришга ҳаракат қилмоқда. Натижада, ушбу манбаларни аниқлаш ва йўқ қилиш тобора қийинлашиб бормоқда. Жумладан, айрим маълумотларга кўра, 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг, 2003 йилнинг ноябрига қадар 148 мамлакатдаги 300 дан зиёд ташкилотларга тегишли 1400 та ҳисоб рақами «музлатилган». Бундан 200 миллион доллар зарар кўрганига қарамай, террорчи гуруҳлар ўз молиявий манбалари билан янги

алоқаларни шакллантириш ҳисобига жанговар қобилиятларини қайта тиклаб олишга интилоқда.

Терроризмнинг молиявий манбаларига барҳам беришга халқаро миқёсда алоҳида аҳамият берилмоқда. Дунёнинг кўпгина давлатлари, жумладан, Ўзбекистонда ҳам терроризмни молиялаштиришга қарши кураш ҳақидаги махсус қонунлар қабул қилинган. Мазкур йўналиш халқаро ташкилотларнинг ҳам диққат марказида турган вазифалардан ҳисобланади. Хусусан, охириги йилларда Усома бин Лодин ва бошқа террорчи шахслар ҳамда ташкилотларга тегишли дунё банкларидаги ҳисоб рақамларини «ҳибса олиш»га бағишланган БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1333, 1390 ва 1455-қарорлари қабул қилиниб, улар деярли барча давлатлар томонидан ижро этилмоқда.

Замонавий экстремизм ва терроризмга қарши кураш давлатларнинг доимий эътиборини, унинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган кўп қиррали сиёсатни амалга оширишда сабрлилик ва собитликни талаб этади. Шаклланиб, кенг тармоқ отган терроризмга қарши курашда куч ишлатмаган давлатлар заифлашиб, ўз халқи ва мамлақати оқолиштирилиши ва барқарор ривожланишини хавф остида қолдиради.

Экстремизм ва терроризм бир-бири билан боғлиқ бўлган ягона жараённинг бирин-кетин ривожланадиган босқичларидир. Шундай экан, терроризм глобал миқёсга чиққан ҳозирги шароитда, давлат унга қарши курашда ички ва ташқи омилларнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, мувозанатлаштирилган стратегияни ишлаб чиқиши керак.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон Республикасининг ўз тараққиётининг ўзига хос жиҳатларини, ҳалигача терроризм, нарқобизнес, ноқонуний қурол-яроғ савдоси каби қатор таҳдидлар мавжуд бўлган Марказий Осиёдаги кучлар нисбатини ҳисобга олиб, ишлаб чиққан ички ва ташқи сиёсати алоҳида аҳамиятга моликдир.

Экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг ушбу стратегиясида мамлақатимизнинг халқаро ҳамкорлик дастурларида, давлатларнинг терроризмга қарши курашдаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиришда фаол иштирок этишини таъминлаш мақсадлари ўз ифодасини топган.

Бу соҳада Ўзбекистон ташқи сиёсатининг негизини ўз кучларини ҳозирги даврнинг асосий таҳдиди билан қарши курашга йўналтиришга тайёр барча давлатлар билан фаол ҳамкорлик қилиш ташкил этади. Шу ўринда, Ўзбекистон амалда минтақада ва бутун дунёда хавфсизликни таъминлашга қаратилган барча халқаро дастур ва икки томонлама ҳамкорлик алоқаларида фаол иштирок этаётганини таъкидлаш зарур.

Шунингдек, Ўзбекистон давлатининг барқарор тараққиёт ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган ички сиёсати ҳам экстремизмнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳамда экстремизмдан терроризмнинг келиб чиқишини бартараф этишга

қаратилган фаол стратегиядир. Унда экстремизмга қарши кураш орқали бундай тузилмалар бағрида вояга етиши мумкин бўлган террорчилар фаолиятининг олдини олишга интилиш ўз аксини топганини кўриш мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистон давлати томонидан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар бу кураш стратегиясининг асосий мазмунини ташкил этади.

Бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамиятини куриш, иқтисодиёт, кишлоқ хўжалиги, таълим, хусусан, ўрта махсус таълим тизими, соғлиқни сақлаш, спорт ва бошқа соҳалардаги кенг қўламли ижобий ўзгаришлар бу стратегиянинг таркибий қисми, Марказий Осиё минтақасидаги аҳволни белгилаб берадиган, мамлакатдаги барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга хизмат қиладиган чора-тадбирлар тизими ҳисобланади. Кучли иқтисодиётга эга Ўзбекистоннинг барқарорлиги бутун минтақанинг барқарорлигини билдиради.

Бу, соғлом мувозанатга асосланган, серқирра ва ҳар хил даражали стратегияда маънавият ва мафкуравий тарбия алоҳида ўрин тутди.

Мутахассислар экстремизмнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига сабаб бўлган омиллар ичида мафкуравий бўшлиқнинг таъсири ва қадриятлар мўлжалларидаги беқарорликда намоён бўлган номуаносибликни алоҳида ажратиб кўрсатадилар. Мафкуравий бўшлиқ кўпинча кишиларда жамиятдаги мавжуд ҳолатни, ижтимоий муҳитни нотўғри идрок этишга, унинг иродасини бошқа кишига бўйсундириш ва дунё-қарашида агрессивликни шакллантиришга хизмат қиладиган носоғлом ғоялар билан тўлдирилишига замин яратади. «Зомбилаштириш» деб аталадиган бу технология яхши шаклланмаган маънавият, бўш ирода ва носоғлом интилишлар муҳитидагина таъсир кучига эга бўлади.

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон экстремизмга қарши курашда, унинг пайдо бўлиши ва ривожланишини бартараф этиш ишларида ғоявий тарбия, хусусан, мамлакат ёшларида юксак маънавиятни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор бермоқда. Зеро, бундай ёндашувда умуминсоний ва миллий қадриятларга, миллий ўзликни тиклаш ва мустақилликни мазмунан бойитишга асосланган миллий ғоя, маънавият ва маърифат, тўғри шакллантирилган онг экстремизм ва терроризмга қарши кураш ҳамда жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг энг муҳим тизими сифатида юзага чиқади.

## **ХУЛОСА.**

Ҳозирги глобаллашув замонида мафкура, ижтимоий фикр соҳасида бўлаётган ўзгаришлар, диний онг, унда диний кадриятларнинг акс этиши жараёни ва жамиятда динга бўлган муносабатнинг ҳам ўзгариб бораётганлиги барчамизга маълум. Бу жараён Шарқ мамлакатларининг ижтимоий ҳаётида ҳам ўзига хос тарзда кечмоқда. Шарқ мамлакатлари ҳаётида амалга ошаётган диний ва ғоявий модернизация ўзига хос хусусиятларга эга. Бу жараён Ғарб мамлакатларида бораётган модернизациядан фарқ қилади. Ғарб мамлакатларида кўпроқ модернизация фан ва техника ютуқларига таянса, бу ерда кўпроқ маънавий ва маданий омиллар бу соҳада катта рол ўйнайди. Шундай омиллардан яна бири дин эканлигини кўриб ўтдик.

Дин ўзининг бирлаштирувчилик функциясини бажарган ҳолда жамият аъзоларини давлатимиз олдида турган иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни бажаришга сафарбар этади. Лекин иккинчи томондан, турли сиёсий ва агрессив кучларнинг ҳаракатлари оқибатида дин ўзининг асосий функцияларидан четланган ҳолда, ушбу субъектларнинг иқтисодий ва сиёсий манфаатлари йўлида сиёсий ҳокимият учун курашда ниқобга айланиб қолаётганлигининг ҳам гувоҳи бўлмоқдамиз. Демак, глобаллашув шароитида ва ўтиш даврларида диний кадриятларнинг ижтимоий онгда нотўғри акс этганлиги оқибатида дин ва диний кадриятлар бир-бирига қарама қарши бўлган функцияларни бажариши мумкин экан.

Шуни таъкидлаш лозимки, жиход, халифат, ғазавот кабиларни тарғиб этувчи фундаментализм, экстремизм, терроризм ҳодисалари ислом динидан жуда йироқ бўлиб, уларнинг моҳияти ислом ғояларига ва унинг кадриятларига тамоман зид. Улардан ислом динининг ўзи ҳам катта зарар кўради. Лекин бугунги юксак ахборотлашган ва коммуникацияга эга бўлган даврда қайд этилган ҳодисалар жамият аъзоларининг дин масалаларида яхши билимга эга бўлмаган айрим қисмига ўз таъсирини ўтказиши табиий. Бундай вазиятга баъзибир ёшларнинг тушиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Жамият дин ва унинг кадриятларидан энг аввало, маданий-маънавий бойлик, таълим-тарбия воситаси, жамиятда барқарорлик ва тинчликни таъминлашга ёрдам берувчи маънавий омил сифатида фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиши катта аҳамиятга эга. Глобаллашув шароитида диндан қайд этилган мақсадларда фойдаланиш давлатимизнинг маънавий тараққиётига хизмат қилади.

Қайд этилган мамлакатлардан фарқ қилган ҳолда Ўзбекистонда бу соҳада бутунлай бошқача моҳиятга эга бўлган жараён бормоқда. Маълумки, Ўзбекистон аҳолисининг 98 % фоизини мусулмонлар ташкил этади. Уларнинг ижтимоий онгида миллий ва диний кадриятлар кўп жиҳатдан фарқланмаган ҳолда акс этади. Унинг устига миллий ва

диний ахлоқий кадриятларнинг, менталитетнинг деярли бирхиллиги жамиятнинг прогрессив тараққиётига хизмат қилувчи диний кадриятлардан кенг фойдаланиш имконини беради.

Диний кадриятлар кўп ҳолларда миллий маънавий кадриятлар билан қўшилиб кетган. Шахс онги кўп ҳолларда миллий ва диний кадриятларнинг чегарасини аниқ англаб етмайди. Глобаллашувнинг миллий маънавиятга путур етказиши мумкин бўлган негатив томонларидан ҳимояланишда бу ҳолатни ҳисобга олиш зарур. Жамиятнинг прогрессив тараққиётига хизмат қилувчи диний кадриятларнинг потенциали Шарқ мамлакатларининг келгуси маънавий тараққиёти учун катта аҳамиятга эга. Аммо шуни ҳам қайд этиш зарурки, глобаллашув шароитида диний кадриятларнинг ўзигина ҳимоя воситаси бўла олмайди, уларнинг ҳимоя қилиш потенциали етмайди. Диний кадриятлар маълум чегарагача миллий маънавиятни ҳимоя қилувчи омиллардан бири сифатида хизмат қила олади. Ҳақиқий ҳимоя воситаси бўлиши учун диний кадриятлар илғор демократик, замонавий кадриятлар билан қўшилиши лозим. Прогрессив руҳдаги ахлоқий, илмий, диний, эстетик, ҳуқуқий ва сиёсий кадриятлардан иборат бўлган ягона кадриятлар тизими миллий маънавиятни глобаллашувнинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилишнинг асосий омили бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундай тизимнинг асосий хусусияти миллийлик бўлиши лозим.

### АДАБИЁТЛАР :

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2- жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
6. Каримов И.Ўзбекистон ХХ1 аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари.-Т.:Ўзбекистон, 1997.
7. И.Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008. б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8.-Т.:Ўзбекистон, 2000. -331-332 б.
9. Бессонов Б.Н. Гуманизм и духовное развитие общества.- М.: Издательство РАГС, 2006.
10. Ивин А.А.Философия истории. - М.: Гардарики, 2000. – С. 125. [2].Добренёв В.И. Вызовы глобализации и перспективы человечества. // Вестник Московского университета. Социология и политика. 2004. № 4. С. -5.
11. Абдуллажонов О. Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши. - Т.: Академия, 2000.
12. Алимова Д. Инсоният тарихи - ғоя ва мафкуралар тарихидир. - Т.: Янги аср авлоди, 2001.
13. Вандам Е. А. Геополитика и геостратегия. - М.: Авторское издательство, 2002.
14. Гаджиев К.С. Введение в геополитику. - М.: Логос, 2000.
15. Глобализация и моделирование социальной динамики. - М.: Институт социальных наук, 2001.
16. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик (юз саволга юз жавоб). - Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007.
17. Жўраев Н. Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар. - Т.: 2000.
18. Ислам и политика. - М.: Авангард, 2001.
19. Ислам ва дунёвий давлат (халқаро илмий-назарий конференция материаллари). - Т.: 2003.
20. Ислам. Энциклопедия. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.

21. Комилов Н. Ислон – маърифат дини. - Т.: Маънавият, 2000.
22. Межрелигиозное согласие – важное условие углубления демократических процессов в странах Центральной Азии (На примере Республики Узбекистан). Материалы международной конференции. - Т.: 2002.
23. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқа изоҳли тажрибавий луғат). - Т.: Янги аср авлоди, 2002.
24. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари.